ҲАММА ШАНБАЛИККА!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 77 (7467). 18 апрель, 1981 йил ● ШАНБА Баҳоси 2 тийин

ШОНЛИ АНЪАНА

Йўлбошчи ва раҳнамо Коммунистик партиямизнинг XXVI съезди тарихий қарорлари совет кишиларининг ғайрат-шижоатк, ижодий ташаббускорлигини янада авж олдириб юборди. Шу кунларда барча ишлаб чиқариш коллективларида она-Ватанимиз куч-қудратини янада мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш юзасидан ўн биринчи беш йилликда белгиланган режаларни шараф билан амалга оширши йўлидаги фидокорона, яратувчанлик меҳнати кўлами тобора кенгаймоқда. Коммунистик жамият қурши йўлидаги бу янги босқич марралари ҳар бир меҳнаткаш қалбига олам-олам қувонч бахш этмоқда, унда бунга жавобан ҳалол, виждонан, ташаббус билан ишлаш туйғусини янада мустаҳкамламоқда.

Москвалик илғор саноат корхоналари коллективларининг улуғ доҳий Владимир Ильич Ленин таваллуди 111 йиллигига бағишлаб шу йилнинг 18 апрелида коммунистик шанбалик ўтказиш ҳақидаги ташаббуси областимизда ҳам тўла қўллаб-қувватланди. Зотан халқимизнинг ажойиб анъаналаридан бири бўлган ва ҳар йилни Коммунистик партия ва совет давлатининг асосчиси туғилган кунининг арафасида ўтказиладиган ишчи корҳомасидаги меҳнат байрами катта сиёсий аҳамиятга моликлиги билан ҳам муҳимдир.

Совет кишилари бу айёмни мазмунли ўтказиш, самарали ва сифатли меҳнат билан нишонлаш орқали ўзларининг коммунизм ишчи, ёш совет давлати учун энг машаққатли даврда вужудга келган бу анъанага содиқ эканликларини яна бир бор намойиш қиладилар.

Ҳар йили зўр уюшқоқлик билан ўтадиган бундай умумхалқ ҳашарининг улуғ доҳий Ленин номи билан боғланиши бежиз эмас, Чунки Владимир Ильич бундан 62 йил муқаддам — ёш Совет давлатининг ҳаёт-мамоти ҳал бўлаётган даврда Москва-Сортировочная станцияси темирйўлчилари бошлаган бу ташаббусни буюк почин деб атади, уни коммунизмнинг бошланиши, оддий меҳнаткаш инсонда коммунистик онгнинг шаклланиш куртакларн эканлигини, шунинг учун ҳам моҳият жиҳатидан беқиёс аҳамиятга эга бўлган бу янгиликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва оммалаштириш лозимлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Коммунистик шанбаликлар ўтказиш улуғ доҳий васиятларига содиқ қолган халқимизнинг шонли анъанасига айланиб қолди. Бу меҳнат байрамлари социалистик мусобақа улкан ижодий имкониятларининг умумхалқ кўрки бўлиб хизмат қилмоқда. Бу йилги шанбалик ҳам социалистик мусобақанинг ривожланишида, унинг янги-янги формаларн билан бойишида бир босқич бўлади.

Бепоён мамлакатимиздаги каби областимизда ҳам умумхалқ ҳашари ҳар йил зўр кўтаринкилик руҳида ўтмоқда, юксак меҳнат натижаларига эришилмоқда. Масалан, биргина ўтган йилги меҳнат байрамида 2 миллиондан ошиқроқ ишчи, деҳқон, зиёли, студент ва ўқувчилар иштирок этишди. Шу кунн 15,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, кенг кўламда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Янги боғ-роғлар, ҳиёбонлар барпо этилди. Беш йиллик фондига ўтказилган иш ҳақи миқдори 1 миллион 860 минг сўмликни ташкил қилди.

Областимиз меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликнинг тўртинч йилида ўтказиладиган Қизил шанбаликка ҳам ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрдилар.

Барча шаҳарлар ва районларда, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда тузилган штаблар бу ишларга бош-қош бўлишди. Штаб аъзолари жойларда бўлиб шанбаликка ҳозирликининг боришини назорат қилиб туришди, зарур бўлса ёрдам кўрсатдилар. Шанбалик самарали, юксак меҳнат унумдорлигига эришган ҳолда ўтиши учун барча чора-тадбирларнинг белгиланишига эришдилар.

Область штабининг ҳисобига қараганда Коммунистик меҳнат байрамида ҳаммаси бўлиб 2 миллион 200 минг кишининг иштирок этиши кутилмоқда. Уларнинг аксарият кўпчилиги бевосита ўз меҳнат постида бўлади. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришдн, қурилиш объектларини барпо этиш билан шуғулланадилар, халқ хўжалик юкларини ташишади. Юз минглаб меҳнаткашлар эса ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари билан машғул бўладилар, дарахт ва гул кўчатларн ўтқазишади, ирригация шахобчаларини тозалайдилар. Дастлабки ҳисобларга кўра шу кунн камн билан 16,1 миллион сўмлик саноат маҳсулотн — турли-туман машина-механизмлар, кенг истеъмол товарлари, биноқорлик материалларн ишлаб чиқарилади, электр энергиясн ҳосил қилинади, кўмир қазиб чиқарилади. Шунинсн таҳсинга сазоворки, шу кунн юзларча минг сўмлик маҳсулот тежаб қолинган моддий ресурслар ҳисобига тайёрланади.

Биноқорлар, транспортчилар, алоқачилар, деҳқонлар ҳам умумхалқ ҳашарн кунн катта ҳажмдаги ишларни амалга оширишади. 3,4 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади, темирйўл, автомобиль транспортида 100 минглаб тонна юк ташиб берилади. Колхоз ва совхоз меҳнаткашларидан 175 минг кишн далага чиқиб, қишлоқ хўжалик ишларида банд бўладилар.

Кўпгина бирлашмалар, корхоналар, колхоз-совхозлар коллективларн шанбаликда оддий иш кунларидагига нисбатан анча юқори кўрсаткичларга эришиш учун зарур чораларни кўриб қўйишди. Республика «Госкомсельхозтехника»сининг Тошкентдаги тажриба-механика заводи ишчилари шу кунн норманн 1,5 баравар қилиб бажаришмоқчи. «Средазкабель» ишлаб чиқарнш бирлашмаси коллективи эса тежаб қолинган хом ашё ҳисобига 100 километрдан ошиқроқ узунликдаги кабель ишлаб чиқаради. Янгийўл шаҳридаги 8 корхона, 25 цех, 28 смена ва бригада—жами 3 мингга яқин ишчи иштисод қилинган материаллар, электр энергиясн ҳисобига маҳсулот тайёрлайдилар. Область юк ташиш-автомобиль ишлаб чиқарнш бирлашмаси шоферлари шу кунн юкларнинг ярмига яқин — 63 минг тоннасини ташишда фақат тежалган ёнилғидан фойдаланишади. Деярли барча меҳнат коллективлари шунга ўхшаш аниқ режа асосида ишлайдилар.

Бугун шанба. Дам олиш кунн. Лекин, барча совет кишилари қатори областимиз меҳнаткашлари ҳам яратувчилик иш қучоғида бўлишади. Улар эрта саҳардан қадрдон корхоналарн, қурилишларига, боҳор айёмида узнин кўз-кўз қилиб турган экин майдонларига, боғ-роғларга томон йўл оладилар. Шу кунни завқ-шавқ ва тўла меҳнат қўйнида ўтказишади.

Бугунги шанбалик областимиз меҳнаткашларининг Буюк почин анъаналарига содиқ эканликларининг улкан намойишига айлансин! Умумхалқ ҳашарн ҳар томонлама самарали, салмоқли бўлсин, зўр уюшқоқлик билан ўтсин!

Ҳамма коммунистик шанбаликка!

ИЛҒОР ПИЛЛАЧИЛАР ТАШАББУСИ КЕНГ ОММАЛАШСИН

ҚЎШИЛАМИЗ

КОЛХОЗИМИЗ аъзолари областимиз илғор пиллачиларининг мўл «кумуш тола» етиштириш, ўн биринчи беш йиллик планини муддатидан илгари бажариш юзасидан бошлаб берган қимматли ташаббусларини қизғин маъқуллаб, якдиллик билан қўллаб-қувватлаётир л а р. Биз ҳам илғорлар ташаббусига қўшилиб, ипак қурти боқишни намунали ўтказиш ва мўл пилла етиштириш учун курашамиз.

Ўтган йили пиллачиларимиз давлат қабул пунктларига 25,5 тонна қимматбаҳо хом ашё етказиб берган эдилар.

Ўн биринчи беш йиллик дастлабки йилидаги режаларимиз ҳам улкан. Бу йил камида 27 тонна пилла етиштириш учун курашамиз. Хўжалигимизда ипак қурти боқиш мавсуми муваффақиятли бошланди. Қурт боқувчилар зарур жиҳозлар, асбоб-ускуналар билан таъминланган. Улар ўртасида мўл «кумуш тола» етиштириш мусобақани кенг авж олдирдик.

Х. РАСУЛОВ,
Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз пиллачилик бригадасининг бошлиги.

МАРДЛИК ВА ҚАҲРАМОНЛИК УЧУН МУКОФОТЛАР

КРЕМЛДА СССР ВА МХР КОСМОНАВТЛАРИГА ЮҚСАҚ СОВЕТ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

«Салют-6» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида кема командири Совет Иттифоқи Қаҳрамони СССРнинг космонавт-учувчиси В. А. Жонибеков билан тадқиқотчи — космонавт, Монголия Халқ Республикасининг граждани Ж. Гуррагчанинг космосга муваффақиятли учганлиги космик фазони тадқиқ қилиш ва ўзлаштиришда социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари самарали ҳамкорлигининг янги босқичи бўлди.

17 апрель куни КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Кремлда космос қаҳрамонларига Совет Иттифоқининг юксак мукофотларини топширди.

Мукофотларни топшириш вақтида ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз ўртоқлар!

Бугун биз қувончли, салмоқли воқеани нишонлаяпмиз. Социализм мамлакатларининг икки фарзанди—Жонибеков ва Гуррагча ўртоқлар космос сафаридан қайтиб келдилар. Улар жуда яхши ишлаб, қадимий ва содиқ дўстимиз —социалистик Монголияга ажойиб туҳфа қилдилар. Биринчи монгол космонавтнинг ватани ҳозир Монголия Халқ революцион партиясининг XVIII съездига тайёргарлик кўрмоқда, шундан кейин у шонли халқ революциясининг 60 йиллигини нишонлайди. Кўриниб турибдики, бу туҳфа айни мавридда қилинган совға бўлди.

Шу апрель куни 1961 йил унутилмас 12 апрели, Юрий Гагариннинг машҳур «Поехали!» деган сўзини бутун дунё эшитган пайт эсга тушади.

Космик тадқиқотчилар ўтган йиллар мобайнида жуда катта йўл босдилар. Техника ўзгариб, такомиллашиб борди, вазифалар мураккаблашди, ер атрофи фазосида бўлиш муддатлари узайди. Аммо бир нарса ўзгармай қолаверди — космик орбитада ишлашнн чуқур билимли, ҳар қандай энг мураккаб вазиятларда тез ва тўғри ҳаракат қилишга қобилиятли жасур кишиларгина уддалай оладилар. Лўнда қилиб айтганда, бу ишни гагаринчасна чиниққан кишиларгина уддалайдилар. *

Вазият тақозоси билан мен бир неча йил мобайнида, космосга биринчи парвоз қилинмасданоқ, совет ракета-учирининг ишига алоқадор эдим. Мен Мстислав Всеволодович Келдиш, Сергей Павлович Королев, Михаил Кузьмич Янгелин, инсониятга самовий йўлни очиб берган бошқа кўпгина атоқли олимлар, конструкторларни яқиндан танишга муяссар бўлдим.

Биз, ҳаммамиз орзу қилар, олис-олисларга назар ташлар эдик, яна йигирма йилдан кейин нима бўларкин, деб ўйлардик, албатта. Кўпинча инсоннинг орзуси воқеликдан ўзиб кетади. Аммо космос бобида бошқача бўлди: воқелик орзудан ўзиб кетди.

Бу галги парвоз халқаро социалистик экипажларнинг саккизинчи парвози бўлди, ўртоқ Гуррагча эса космос забтқорларининг 101-си бўлди. Ҳали яқиндагина «Салют-6» станцияси ичида қаҳрамонларимизни қабул қилиб олган Коваленок ва Савиних ўртоқлар шу дақиқаларда космосдаги вахтани давом эттирмоқдалар.

Космик техника ижодкорлари туфайли, космонавтлар туфайли биз космос ҳақида ҳам, Ер ҳақида ҳам кўпроқ биладиган бўлиб қолдик. Инсониятнинг имкониятларини ҳам кўпроқ билиб олдик.

Совет Иттифоқи космосдаги амалий халқаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг эътиқодли тарафдори бўлиб келганлиги ва шундай бўлиб қолишини таъкидлаб ўтмоқчиман. Бегубор космос океани мусаффо ва ҳар қандай турдаги қуролдан ҳоли бўлсин. Биз космик фазони милитарлаштиришга йўл қўймасликдан иборат улуғ инсонпарварлик мақсадига биргаликдаги куч-ғайратлар билан эришиш тарафдоримиз.

Ўртоқлар! «Салют-6» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексидаги космик парвозни муваффақиятли амалга оширганликлари ҳамда парвоз вақтида мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатганликлари учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони Владимир Александрович Жонибеков Ленин ордени ва иккинчи «Олтин Юлдуз» медали билан мукофотланди, тадқиқотчи-космонавт, Монголия Халқ Республикасининг граждани ўртоқ Жугдэрдэмидийн Гуррагчага Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди, унга Ленин ордени билан «Олтин юлдуз» медали топширилди.

Сизларни мукофотлар билан чин кўнгилдан табриклайман, ўртоқлар. Сизларга жами эзгуликларни тилайман! Бахт-саодат, сиҳат-саломатлик, янги зафарлар ҳамроҳингиз бўлсин!

* * *

В. А. Жонибеков ўртоқ Л. И. Брежневга мурожаат этиб, бундай деди: совет халқининг ва бутун тараққийпарвар инсониятнинг умидлари, орзулари ва ютуқлари ленинчи партиямиз билан, Сизнинг номингиз билан боғланган. Саккизинчи халқаро, совет-монгол экспедицияси муваффақиятли туталланганини ва космосга учишнинг белгиланган программаси тўла-тўкис бажарилганини қувонч билан маълум қиламан. Бу — партиларимизнинг қардошларча ҳамкорлиги ва мустаҳкам дўстликнинг натижаси бўлди. Бу — бизнинг жонажон Коммунистик партия XXVI съезди тарихий қарорларига жавобимиз ҳамда Монголия Халқ революцион партиясининг XVIII съездига камтарин совғамиздир.

Леонид Ильич, биз совет космонавтлари олдига ўн биринчи беш йилликда қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун имкони бўлган ҳамма ишни қиламиз, деб СССРнинг космонавтучувчилари номидан Сизга ваъда бераман. Биз пишиқпухта космик техника бунёдкорларидан миннатдормиз. Биз космик парвозни бошқаришни таъминлаб турган ташкилотлар ва коллективлардан миннатдормиз. Бизнинг экипажимизни парвозга тайёрлаган мутахассислардан миннатдормиз.

Азиз Леонид Ильич, экипажимизнинг меҳнатига берилган юксак баҳо учун, Ватанинг юксак мукофотлари учун жонажон ленинчи партияга, халқимизга, Сизга кўпдан-кўп раҳмат айтамиз.

Ж. Гуррагча ўз нутқида совет-монгол космик парвозини амалга оширишнн имкониятн берилганлиги учун, юксак мукофотлар учун КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига, улуғ совет халқига ва шахсан Леонид Ильич Брежневга ташаккур изҳор этди.

Ленин ордени ва Совет Иттифоқи Қаҳрамонининг «Олтин юлдуз»и мени ўз Ватаним номидан космосга учишдек юксак шарафга муяссар этган бутун монгол халқига ҳақли равишда тегишлидир. Монгол аратининг ўғли, социалистик Монголиянинг вакили бўлган мен самовий совет қардошларим билан биргаликда йигирма йил муқаддам Юрий Гагарин очиб берган юлдузлар йўли бўйлаб космик орбитага парвоз қилганлигим билан фахрланаман ва бахтиёрман.

Бугун Сизнинг қўлингиздан олган мукофотларим монгол халқи билан совет халқининг Ленин ва Сухэ Батор замонларида юзага келган мустаҳкам дўстлиги, Леонид Ильич, Сиз билан ўртоқ Ю. Цеденбал раҳбарлигидаги қардош партияларимиз кўп қиррали фаолияти таъсирида мустаҳкамланиб, ривожланиб бораётган дўстликнинг рамзидир.

Ж. Гуррагча ўртоқ Л. И. Брежневга илм-фанни янада ривожлантириш ва техникани тараққий эттириш йўлидаги, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш соҳасидаги оливаноб меҳнатида янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

Нутқлар қарсаклар билан кутиб олинди.

Биргаликдаги халқаро парвоздан хотира сифатида В. А. Жонибеков билан Ж. Гуррагча Леонид Ильич Брежневга В. И. Ленин билан Сухэ Баторнинг тарихий учрашувини тасвирловчи скульптура композициясини топширишди. Монгол усталари ишлаган мана шу санъат асарини экипаж ўзи билан бирга космосга олиб чиққан эди.

Мукофотларни топшириш вақтида ҳозир бўлган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири И. Ф. Дмитриев, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов, Ю. А. Гагарин номли космонавтлар тайёрлаш марказининг бошлиғи, авиация генерал-лейтенанти Г. Т. Береговой, МХРнинг СССРдаги элчиси Д. Готов, бошқа расмий кишилар космос қаҳрамонларини самимий муборакбод қилдилар.

(ТАСС).

Суратда: Мукофотларни топшириш пайти.

(ТАСС — ЎзТАГ телефотоси.)

ҚАТҚАЛОҚНИ ҚАНДАЙ ЮМШАТИШ КЕРАК

Областимиз пахтакорлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди тарихий қарорларига амалий иш билан жавоб бериш учун бу йил «оқ олтин»дан мўл ҳосил етиштиришга аҳд қилганлар. Улар ғоят масъулиятли кампания — чигит экишни уюшқоқлик билан ўтказадилар. Барча майдонларга чигит қисқа муддатда ва сифатли экилди.

Ҳозирги пайтда кўпгина далаларда чигитлар энди илдиз қадаб, унинг чиқиш арафасида турипти. Бироқ, баҳорнинг серёғин келиши, ҳароратнинг паст бўлганлиги чигит униб чиқишини бирмунча кечиктиряпти. Бўз тупроқли далаларда эса апрель ойининг бошларида экилган чигит устида қатқалоқ ҳосил бўлган. У чигитнинг униб чиқишига тўсқинлик қилаётир.

Ҳозирги пайтда энг асосий вазифа — чигитни тезда қийғос ундириб олишдан иборат. Бунинг учун аввало пахта майдонларида ҳосил бўлган қатқалоқни юмшатиш, тупроқдаги намни қочириш ҳамда чигитнинг униб чиқиши учун ҳароратни етишмаётганлигини ҳисобга олган ҳолда тупроқни қиздириш талаб этилмоқда. Шу билан биргаликда чигит экиш даврида сеялка катоги излари ёнида тупроқ тўпланиб, ҳосил бўлган дўнгликларни текислаш ҳам лозим.

Бу ишларни амалга ошириш учун колхоз—совхозларда мавжуд бўлган КРХ-4, КРХ-3,6 ва КРТ-4Б маркали культиваторлар комплектига кирадиган ҳамда алоҳида ишлаб чиқариладиган ротацион юлдузчалардан (РОР), тупроққа қаватма-қават ишлов берадиган ККО ишчи органларидан оқилона фойдаланиш керак. Шунингдек, культиваторларга чигит ташланган уяларга яқин ўрнатиладиган ва бу билан тупроқни уялар томонга кам силжитадиган дискалар ва хўжаликларнинг ўзида қайта мослаштирилган пичоқлар ўрнатиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Қатқалоқни юмшатишда фойдаланиладиган культиваторлардаги РОР ишчи органлари уялардан 3-5 сантиметр узоқликда, 2-3 сантиметр чуқурликка ўрнатилади. Ёйсимон дискалар уялардан 8-10 сантиметр узоқликда, 5-6 сантиметр чуқурликка ўрнатилади. ККО ишчи органларининг биринчи қаторидагилари уялардан 10-12 сантиметр узоқликда ва 6—7 сантиметр чуқурликка мўлжаллаб жойлаштирилади. ККО ишчи органларининг иккинчи ва учинчи қаторидагилари уялардан 20-30 сантиметр узоқликда, 7-8 ва 8-9 сантиметр чуқурликка ўрнатилиши лозим. Марказий ККО ишчи органлари эса 9-10 сантиметр чуқурликка ўрнатилиши керак.

Зарурат туғилган ҳолда юмшатувчи панжадан ҳам фойдаланиш мумкин.

Мутахассислар маслаҳати

ККО ишчи органлари агрегатнинг йўналишига бинoан шахмат тарзида ўрнатилиши зарур. Улар шундай жойлаштирилиши лозимки, ишчи органлари орасидан кесак ва тупроқлар бемалол ўта олсин.

Иккинчи усулда культиваторларга РОР, ККО ишчи органлари билан бир қаторда қайта мослаштирилган пичоқлар жойлаштирилади. Бунда ишчи органларини жойлаштириш кенглиги ва чуқурлиги биринчи усулдагидан фарқ қилмайди. Фақат бу ҳолда ёйсимон диска ўрнига қайта мослаштирилган пичоқлар ўрнатилади.

Бу пичоқларни тайёрлаш учун КРХ-4 маркали культиваторлар комплектига кирадиган кенглиги 16,5 сантиметрлик пичоқлар олинади. Бу пичоқларнинг 8—10 сантиметрли қисми кесиб ташланади. Ён томонига кенглиги 8-10 сантиметр, узунлиги 25-30 сантиметр ва қалинлиги 1-2 миллиметрли қанотлар пайванд қилинади. Уларни пичоқнинг вертикал жағларига, агрегатнинг йўналишига қаратиб 40—45 градус бурчак ҳосил қилган ҳолда пайвандлаш лозим. Шундай қилинганда, чигит экиш пайтида сеялка катоги изидан ҳосил бўлган дўнглик тупроғи эгат ўртасига суриб текислаб кетилади.

Бу пичоқлар тупроқни кам зичлайди. Шундай бўлсада, культиваторга пичоққа нисбатан ҳам 1,5—2 сантиметр чуқурроққа ККО ишчи органлари ўрнатилиши керак. ККО ишчи органлари пичоқ билан ҳам юмшатилмай қолган жойларни майинлаштиради.

Қайта мослаштирилган пичоқлар ККО ишчи органлари билан бир қулфда маҳкамланиши ҳисобга олиниб, унинг стойкаларини ишга яроқсиз бўлиб қолган эски, оғир зигзагли бороналар планкаларидан тайёрлаш тавсия этилади. Бу ҳолда иккала ишчи органи ККОнинг ушлагичига маҳкамланади.

Чигит қатор оралари 60 сантиметр қилиб экилган далалардаги қатқалоқни юмшатиш учун ҳам РОР, ККО ишчи органлари юқорида кўрсатилгандек жойлаштирилади. Бироқ бу ҳолда қатор оралари 90 сантиметр бўлган далаларни юмшатиш учун ўрнатиладиган бир қатордаги 7 та ККО ишчи органи ўрнига 5 та ўрнатилади.

Культиваторларга ишчи органлари ўрнатиб бўлингач, улар махсус майдончада шаблон асосида созлаб чиқилиши керак. Хўжаликлар мутахассислари ҳар бир ишчи органининг тўғри ўрнатилишини синчиклаб текшириб чиқишлари лозим.

ЖУРНАЛНИНГ ЮБИЛЕЙИ

Тошкент жамоатчилиги Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг назарий ва сиёсий журнали «Ўзбекистон коммунисти» («Коммунист Узбекистана»)нинг 60 йиллигини тантанали нишонлади. Шу йиллар мобайнида журнал доимо мангу барҳаёт Ленин ғояларининг жўшқин пропагандисти бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда, КПСС билан Совет давлати ички ва ташқи сиёсатини тушунтириб бермоқда. Журналнинг марксизм-ленинизмни пропаганда қилишдаги, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларнинг хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини бажаришга сафарбар қилиш соҳасида олиб борган самарали хизматлари Халқлар дўстлиги ордени билан тақдирланди.

Ўзбекистон пойтахти партия, совет ва жамоат ташкилотларининг, меҳнаткашларининг намояндалари журнал юбилейига ва унга юксак мукофот топширилишига бағишланган тантанали йиғилишда қатнашмоқ учун 17 апрель куни В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалига келдилар.

Йиғилиш аҳлининг қарсаклари остида редакция коллективига Халқлар дўстлиги ордени топширилди.

«Ўзбекистон коммунисти» («Коммунист Узбекистана») журналининг бош редактори Р. А. Нуруллин ўз докладида журнал ходимлари ва авторлар актнви Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети раҳбарлигида меҳнаткашларда марксча-ленинча дунёқарашни, партия ишига, коммунистик идеалларга астойдил садоқатни шакллантириш юзасидан ўз олдига қўйилган вазифаларни қандай қил этаётганлиги тўғрисида гапириб берди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов иштирок этди.

[ЎзТАГ].

АНГРЕН ШАҲАР СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Ангрен шаҳар Советининг сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Сессия Ю. А. Остряковни бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси вазифасидан озод этди.

Сессия илғори Ангрен шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари бўлиб ишлаб келган Д. К. Бабкинни халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси қилиб сайлади.

КОММУНИСТИК МЕҲНАТ БАЙРАМИ

БИР ЖОН, БИР ТАН БЎЛИБ

КУНИ КЕЧА штабимиз кенгашида халқ маорифчиларининг шанбалик ўтказиш юзасидан тадбирларини кўриб чиқдик. Умумтаълим мактаблари ва мактабгача тарбия муассасаларидан 16300 киши бугунги коммунистик меҳнат байрамида катта ҳажмдаги ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширадилар.

Маорифчилар қўли билан 8250 туп мевали ва манзарали дарахтлар, 1200 туп гул кўчатлари ўтқазилади. Мактаб ва болалар боғчалари биноларида ёрдамчи ремонт ишлари бажарилади, кўргазмали ўқув қуроллари тартибга келтирилади. Қорасув дарёси қирғоғи ва район маркази территориясини ободонлаштиришда район халқ маорифи аппаратидан 26 киши, мактаб педагогик коллективларидан 1047 киши банд бўлади.

Штабимизнинг шанбаликка тайёргарлик давомида ўтган кенгаш ва йиғилишларида бу хилдаги ташаббусларни кўплаб кўриб чиқдик. Жумладан, Янгибозор луб заводи, 4-СПМК коллективларининг ибратли тадбирларини алоҳида қайт этиш лозим.

Бевосита меҳнат коллективларида ҳам шанбаликка тайёргарлик юзасидан штаблар муваффақиятли ишлаб турди. Янгибозордаги 121-автокорхонадаги штабнинг белгилаган тадбирлари айниқса ибратлидир. Коллектив ишчи-хизматчиларининг ташаббус ва мулоҳазалари асосида тузилган бу тадбирларга мувофиқ шанбаликда коллектив 6 минг тонна халқ хўжалик юкларини манзилларига етказиб берди. Бугун 112 та машина тежалган ёнилғи ҳисобига йўлга чиқади.

Корхона илғор ҳайдовчиларидан И. Эргашев, И. Мингазов, М. Ибрагимов, Р. Акимов ва М. Миржамоловлар меҳнат байрами кунида тўрт ойлик мажбуриятларини оширib бажаришга сўз бердилар.

Бугун районимиз хўжаликларида меҳнат симфонияси баралла янграйди. Пешқадам «Ўзбекистон» колхози аъзоларидан 1263 киши шанбаликда ишторок этади. Улардан 819 нафари бевосита пахта далаларида ғайрат-шижоат кўрсатади. 88 киши чорвачилик фермасида, 355 киши эса ободонлаштириш ишларида банд бўлади. Район Советининг депутати Салима Нуриддинова тўрт ойлик сут топшириш планини бугун бажаришга аҳд қилган.

Умуман колхоз бўйича ўн биринчи беш йиллик фондига 3300 сўм маблағ ўтказилади.

Момиқ фабрикаси бўйича шанбаликда 184 киши қатнашиб, шулардан 130 нафари бевосита ўз иш жойларида меҳнат қилади. Бугун фабрика коллективи 7 минг сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариб, шанбалик фондига 680 сўмлик улуш қўшадилар. Фабрика ишчиларидан тўрт киши В. И. Ленин туғилган кунининг 111 йиллиги шарафига тўрт ойлик топшириқларини оширib адо этишга ваъда бердилар. Янгибозор посёлка Советининг депутати Н. Малицова бугун тежалган хом ашё ҳисобига ишлайди.

Районимиздаги бошқа меҳнат коллективларининг ҳам бугунги аҳд ва режалари улкан. Янгибозор луб заводи ишчи-хизматчилари ишлаб топилган пулдан 1400 сўм, Юқори Чирчиқ луб заводи ишчи-хизматчилари 815 сўм, Охунбобоев совхози коллективи эса 1050 сўм маблағни ўн биринчи беш йиллик фондига ажратадилар. Район матлубот жамияти 2400 сўм, «Политотдел» ва Свердлов номли колхозлар меҳнаткашлари 9600, 9800 сўмлик ҳисса қўшишади. «Правда» колхози пахтакорлари бир гайратларига ўн гайрат қўшиб ишлаб, 13400 сўм маблағни шанбалик фонди ҳисобига ўтказишади.

Шанбалик тўлқини районимизнинг бутун территориясини кенг қамраб олди. Меҳнат байрамида 34 мингга яқин киши иштирок этиб, улардан 13,2 мингга яқини бевосита иш жойларида тер тўкадилар. Саноат корхоналари ишчи-хизматчиларидан 15 минг киши, транспорт тармоғи ходимларидан 600 киши ва қурилиш ташкилотларидаги 18 минг киши оддий иш кунларидагига қараганда 1,5—2 норма иш бажаришади. Колхоз аъзолари ва совхоз ишчи-хизматчиларидан 9,1 минг киши қишлоқ хўжалик ишларини сифатли бажариб, чорвачилик фермалари ва атроф-теваракни ободонлаштиришда қатнашадилар. Бугун кечгача районимиз саноат корхоналари 103 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадилар, 60,5 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади, 27 тонна металлолом тўпланади. Шулар эвазига ўн биринчи беш йиллик фондига 63,8 минг сўм маблағ ўтказамиз.

И. ТОШНАЗАРОВ,
Коммунистик район ижроия комитети раисининг ўринбосари, шанбаликни ўтказиш район штабининг бошлиғи.

ОҚҚУРҒОН районидаги С. Сегизбоев номли совхозининг КПСС XXVI съезди делегати Марҳамат Искандарова бошчилик қилаётган бригадаси деҳқонлари съезд қарорларига амалий иш билан жавоб бериб, ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида 50 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил олишга аҳд қилишган. Юксак мажбуриятга яраша зарбдор меҳнат қилаётган бу аҳил коллектив аъзолари, бугун, Бутуниттифоқ шанбалиги кунида янада баракали ишлаб, кунлик нормаларини 1,5—2 ҳисса қилиб бажаришмоқчи. Суратда: бригада етакчиси М. Искандарова (ўнгдан) ҳамда бўлим бошқарувчиси Р. Раҳимов бажарилаётган ишларни режалаштирмоқдалар.

А. Мальцев фотоси.

НОҚОРАТУПРОҚДА ҲАШАР

— РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонаси — кўҳна ва навқирон Новгород областида меҳнат қилаётган ўзбекистонлик ҳашарчилар бугун юксак кўтаринки кайфият билан ленинча Коммунистик шанбаликка чиқишади. Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг «Узновгородводстрой» трести коллективи бу ерда катта миқёсда бунёдкорлик ишларини амалга оширмоқда.

Ўтган беш йилликда турар-жой, маданий-маиший объектлар қурилишида, мелиорация ва маданий техникавий ишларда ўн миллионлаб сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Областнинг ботқоқ районларида трестнинг кўчма механизациялашган колонналари коллективлари зарбдорчасига ишлашяпти. 1-Тошкент, 4-, 6-, ва 9-«Тошкент» махсус кўчма механизациялашган колонналари коллективлари мелиорация ишларини 5-, ва 6-махсус кўчма механизациялашган колонналар эса саноат базаси қуриш ишларини амалга оширяптилар. Ҳар бири 3 миллион сўмлик капитал маблағ сарфланадиган бу бативи, Тошкент шаҳар партия, совет органларининг раҳбарлари шу куни шифохона қурилишида ҳашар қилдилар. Ўша йили болалар саломатлик масканини бунёд этиш учун шанбалик ҳисобидан 3 миллион сўм ажратилди. Кейин ҳар коммунистик меҳнат анъанасида тушган маблағдан пул ажратиш планлаштирилди.

Ҳозирги пайтда шифохонамизда 165 нафар малакали врач ишламоқда. Улар орасида Ўрта Осиё медицина педнатрия институтининг олимлари — профессор С. Ш. Шамсиев, медицина фанлари доктори Э. М. Ходиев, доцент О. Г. Левченко, медицина фанлари кандидатлари Б. Мирзакаримов, М. Алиев, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг доценти А. К. Қосимов каби жонкуяр шифокорлар бор.

Шифохонада болаларни дарддан ҳалос этиш учун тўла шароит яратилган. Ҳамма бўлимлар замонавий медицина техникаси билан таъминланган. Ҳозирги пайтда касалхонада хирургия, терапия, реанимация, чақалоқлар патологияси, кўз касалликлари, педнатрия, физиотерапия, поликлиника бўлимлари ва бассейн мавжуд.

Шу кунларда бу ерда яна тўртта корпус қад кўтармоқда. Ишл охиригача фойдаланишга топшириладиган бу биноларда травматология, урология, неврология ва ЛОР бўлимлари жойлашади.

Бугунги меҳнат байрамига касалхонамизнинг 1500 нафарга яқин ходими юксак кайфият билан келади. Биз янги корпусдарги қурилиш ишларига кўмаклашамиз, шифохона территориясини ободонлаштириш, кўчат ўтказиш, дарахтларни оқлаш, биноларни саранжом-саришталаш ишлари билан шуғулланамиз. Энг муҳими ҳаётимиз мазмуни — фарзандларимизнинг сиҳат-саломатлигини таъминлаш, уларга шифобахш этиш ҳар кунгидек эътиборимизда бўлади.

Р. ҚОСИМОВ,
Тошкент шаҳар кўп ихтисосли болалар биргалашган клиник касалхонасининг бош врачи.

Суратларда: касалхона шифокорлари иш устида. Пастдаги суратда шанбалик маблағи ҳисобига қад кўтарган шифохона биноларини кўриб турибсиз.

А. Абалян фотолари.

ШАНБАЛИК ТЎЛҚИНИДА

УНУМЛИ БЎЛАДИ

ДОҲИМИЗ В. И. Ленин таваллудининг 111 йиллиги шарафига бағишлаб ўтказилаётган меҳнат байрамида Наримонов шаҳридаги темир-бетон заводи коллективи ҳам актив иштирок этишга қарор қилди.

Заводнинг юзлаб ишчилари шанбалик куни тежалган хом ашё ҳисобига қурилиш ташкилотлари учун 90 кубометр темир-бетон маҳсулотлари тайёрлаб берадилар. 300 дан кўпроқ ишчи ва хизматчи ўз иш жойида меҳнат қилади ва 12035 сўмлик темир-бетон маҳсулотлари тайёрланиб, республикамиз қишлоқ қурилишларига жўнатилади. Шанбаликдан тушган иш ҳақининг 1550 сўми ўн биринчи беш йиллик фондига ўтказилади.

Ҳ. МАҲКАМОВ.

ТЕЖАЛГАН ХОМ АШЁДАН

ШАНБАЛИК тадбирларини районимиз аҳолиси меҳнат байрами кайфиятида ўтказишга қарор қилдилар. 18 апрель куни 35,5 минг ишчи-хизматчи район территориясини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларида актив қатнашади. Колхоз ва совхоз ишчилари суғориш шоҳобчаларини тартибга келтириш, қишлоқ хўжалиги экинларига ишлов бериш билан банд бўладилар.

Саноат, транспорт ва қурилиш ташкилотларининг 5300 ишчиси шанбаликда тежалган хом ашё, ёнилғи ҳисобига 462 минг сўмлик иш бажарадилар. Шу куни тушган иш ҳақининг 30 минг сўми ўн биринчи беш йиллик фондига ўтказилади.

М. НАСИМОВА.
Калинин райони.

82 МИНГ СЎМЛИК МАҲСУЛОТ

ҒАЛАБА районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» номли пахта тозалаш заводининг 526 кишилик аҳил коллективи эрта тонгдан шанбаликни бошлаб берадилар. Улар ленинча шанбаликда 82 минг сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариб, истеъмолчиларга жўнатадилар. Шу кунги меҳнат ҳақининг 1450 сўми ўн биринчи беш йиллик фондига ўтказилади.

Ғ. УМАРОВ.

БЕШ ЙИЛЛИК ФОНДИГА

«Средазгипроводхлопок» институтининг Бекободдаги комплекс экспедицияси ишчи-хизматчилари ҳам Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигини юксак меҳнат кўтаринкилигида ўтказадилар. Экспедициянинг Далварзин, Гончи партиялари ишчи-хизматчиларидан 180 киши шу куни асосий ишларини бажариш билан бирга янги гулзорлар барпо этадилар. Институт экспедицияси коллективи 2 минг сўмлик иш бажаради ва меҳнат байрамидан тушган маблағ ўн биринчи беш йиллик фондига ўтказилади.

Х. ОТАҚУЛОВ,
экспедиция ходими.

БУЮК ПОЧИН ИЗИДАН

ҲАР ЙИЛИ Коммунистик партия ва социалистик давлатимиз асосчиси доҳий В. И. Ленин туғилган кунга бағишлаб Бутуниттифоқ коммунистик шанбалик ўтказиш халқимизнинг ажойиб анъаналаридан бири бўлиб қолди. Доҳий иштирок этган «буюк почин»дан бошлаб бугунги кунимизгача бўлган барча шанбаликлар юксак уюшқоқлик вазнятида ўтган. Шанбаликда меҳнаткашлар оддий иш кунларидан фарқли ўлароқ кўтаринки руҳ билан меҳнат қўйнида жавлон урадилар. Ҳар кунгидан ҳам юксак унум билан меҳнат қиладилар. Рекорд кўрсаткичларга эришадилар.

Бугун шаҳримизнинг барча завод ва фабрикалари, қурилиш ташкилотлари ва транспорт корхоналарида ҳам байрам кайфияти ҳукмрон бўлади. **Шаҳарнинг 41 минг кишилик меҳнат аҳли ленинча коммунистик шанбаликка чиқади.** Ҳар бир корхона ва муассаса ишчи-хизматчилари ўзларининг жонажон коллективларида яратувчанлик ишларини давом эттирадилар. Янги гулзорлар, хиёбонлар яратишга қатнашадилар.

Барча коллективларда меҳнат байрами куни амалга ошириладиган тадбирлар программаси пухта ишлаб чиқилди. Шаҳар партия комитетининг шанбаликка тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш штаби аъзолари умумхалқ хашари юксак савияда ўтиши учун барча зарур чора-тадбирларни кўрдилар. Барча коллективларга шанбаликни уюштиришда яқиндан ёрдам бердилар. Бугун эса штаб аъзолари турли ташкилотларга йўл олишди.

Шаҳарнинг марказий майдонлари ва хиёбонларини ободонлаштириш, суғориш шоҳобчаларини тартибга келтириш, янги боғлар яратиш ишларида меҳнаткашларнинг 28,9 минг кишилик отряди актив қатнашади. Улар «Шаҳримизни яшнаётган бўстонга айлантирайлик» шиори остида меҳнат қиладилар. 12100 киши ўз иш жойида бўлади ва меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришилади. Саноатчилар бир сменада 370 минг сўмлик кенг истеъмол буюмлари тайёрлаб берадилар. Қурувчилар эса турли объектларда қўш суръат билан меҳнат қилиб, 50 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарадилар. Бир қатор объектлардаги бунёдкорлик ишлари ниҳоясига етказилади.

Шанбаликни ўтказишга тайёргарлик кўриш давомида штаб номига кўплаб хатлар келди. Меҳнаткашлар янги-янги таклифлар билан мурожаат қилдилар. Бир қатор корхоналар шанбаликни уюшқоқлик билан ўтказишда ёрдам берадиган ташаббусларни ўртага ташладилар. **10 га яқин саноат, қурилиш ва транспорт ташкилотлари «қизил шанбалик»да тежалган хом ашё ва ёнилғи ҳисобига меҳнат қилиш ҳаракатини бошлаб бердилар. 25 цех, 28 бригада, жами 3 мингга яқин ишчи бугун иқтисод қилинган хом ашёдан турли маҳсулотлар ишлаб чиқарадилар.**

Саноат, қурилиш, транспорт ходимлари ҳар кунгидан ҳам унумлироқ меҳнат қилиб, юксак ғалабаларни қўлга киритишади. **Саноатда 30 цех, қурилишда 18 смена, транспортда эса 25 бригада тўрт ойлик топшириқларни бажарилганлиги ҳақида рапорт беради.** Меҳнат байрами куни тушган маблағ—37 минг сўм ўн биринчи беш йиллик фондига ўтказилади.

Л. ИСМОИЛОВА,
Янгийўл шаҳар партия комитети саноат бўлими мудири, шаҳар шанбалигини ўтказиш штабининг аъзоси.

ШАНБАЛИК МАБЛАҒИГА ҚУРИЛГАН

Шифохонамизга чет элдан меҳмонлар келиб туришади. Улар кўп қаватли даволаш корпусларининг узун, ёруғ заллари, кенг, шинам палаталарини айланиб чиққач, «Эсдалик альбоми»да ўз таассуротларини ёзиб қолдирадилар. Хотира китобининг варақларидан бирига афғонистонлик профессор Рашидий ёзган қуйидаги сўзлар эътиборга лойиқдир: «Бу шифо масканини оддийгина болалар касалхонаси эмас, саломатлик шаҳарчаси деб аташ ўринлидир. Шаҳарчада болаларга соғлиқ ва қувонч бахш этиш учун ҳамма имкониятлар бор. Бу ерда кенжа авлодга кўрсатилаётган ғамхўрлик олдида таъзим қиламан. Ҳашаматли биноларнинг ҳар бир ғиштида бутун Тошкент аҳолисининг ҳиссаси борлиги, айниқса, қувончлидир».

Профессорнинг фикрлари муболаға эмас. Ҳақиқатан ҳам шундай, у 300 ўринга эга бўлган Тошкент шаҳар кўп ихтисосли болалар биргалашган клиник касалхонаси коммунистик шанбаликдан тушган маблағ ҳисобига қад кўтарди.

Халқаро болалар йили эди ўшанда. Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети пойтахтнинг Юнусобод массивида фарзандларимиз учун шанбаликдан тушган маблағ ҳисобига шифохона қуриш ташаббусини билан чиқди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан бу хайрли иш қўллаб-қувватланди. 1979 йилнинг 21 апрель тонгида шаҳарнинг ҳамма жойларидагидек бу ерда ҳам карнай-сурнай садолари янгради.

Республика Компартияси Марказий Комитети аппаратининг коллектив, Тошкент шаҳар партия, совет органларининг раҳбарлари шу куни шифохона қурилишида ҳашар қилдилар. Ўша йили болалар саломатлик масканини бунёд этиш учун шанбалик ҳисобидан 3 миллион сўм ажратилди. Кейин ҳар коммунистик меҳнат анъанасида тушган маблағдан пул ажратиш планлаштирилди.

Ҳозирги пайтда шифохонамизда 165 нафар малакали врач ишламоқда. Улар орасида Ўрта Осиё медицина педнатрия институтининг олимлари — профессор С. Ш. Шамсиев, медицина фанлари доктори Э. М. Ходиев, доцент О. Г. Левченко, медицина фанлари кандидатлари Б. Мирзакаримов, М. Алиев, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг доценти А. К. Қосимов каби жонкуяр шифокорлар бор.

Шифохонада болаларни дарддан ҳалос этиш учун тўла шароит яратилган. Ҳамма бўлимлар замонавий медицина техникаси билан таъминланган. Ҳозирги пайтда касалхонада хирургия, терапия, реанимация, чақалоқлар патологияси, кўз касалликлари, педнатрия, физиотерапия, поликлиника бўлимлари ва бассейн мавжуд.

Шу кунларда бу ерда яна тўртта корпус қад кўтармоқда. Ишл охиригача фойдаланишга топшириладиган бу биноларда травматология, урология, неврология ва ЛОР бўлимлари жойлашади.

Бугунги меҳнат байрамига касалхонамизнинг 1500 нафарга яқин ходими юксак кайфият билан келади. Биз янги корпусдарги қурилиш ишларига кўмаклашамиз, шифохона территориясини ободонлаштириш, кўчат ўтказиш, дарахтларни оқлаш, биноларни саранжом-саришталаш ишлари билан шуғулланамиз. Энг муҳими ҳаётимиз мазмуни — фарзандларимизнинг сиҳат-саломатлигини таъминлаш, уларга шифобахш этиш ҳар кунгидек эътиборимизда бўлади.

Р. ҚОСИМОВ,
Тошкент шаҳар кўп ихтисосли болалар биргалашган клиник касалхонасининг бош врачи.

Суратларда: касалхона шифокорлари иш устида. Пастдаги суратда шанбалик маблағи ҳисобига қад кўтарган шифохона биноларини кўриб турибсиз.

А. Абалян фотолари.

ДЕҲҚОН ҲИММАТИ

БУГУН барча совет кишилари қатори колхозимиз аъзолари ҳам доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 111 йиллигига бағишланган қизил шанбаликка чиқадилар. Улар меҳнат байрами куни ҳар қачонгидан ҳам зўр ғайрат-шижоат билан ишлаб, бу юк почин анъаналарига садоқатларини намойиш этишга аҳд қилганлар.

Коммунистик шанбаликда колхозимизнинг барча аъзолари — 740 киши иштирок этади. Улар дала ва фермаларда юксак унум билан меҳнат қилиб, ишлаб топган маблағларини — 1500 сўм пулни ўн биринчи беш йиллик фондига ўтказадилар.

Хўжалигимизда чигит экиш муваффақиятли тугалланди. Ҳозирги пайтда пахтакорларимизнинг бутун диққат-эътибори чигитни бир текис ундириб олишга қаратилган. Шанбалик куни 16 та бригадамизнинг барчасида ғўза қатор ораларига биринчи ишлов беришни уюшқоқлик билан бошлаб юборишга тараддуд кўрилади. Механизаторлар культиваторларини, созлаб, далага олиб чиқишга тайёрлаб қўядилар.

Чорвачилик фермаси коллективи умумхалқ ҳашари куни сигирлардан соғиб олинадиган сут миқдорини кўпайтириш ҳаракатида. Шу билан бир қаторда фермани тартибга келтириш чоралари ҳам кўрилади.

Боғ ва токзорларимизда ҳам жўшқин меҳнат ҳукм суради. Боғбонлар мева дарахтларининг тагларини юмшатадилар. Токлар симбағаларга кўтарилади, минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантирилади.

Колхозимизнинг қурилиш бригадаси коллективи ҳам катта ҳажмда иш бажаришни мўлжаллаб қўйганлар. 25 нафар қурувчи дала шийпонларини ремонт қилади, бошқа ободонлаштириш ишларини амалга ошириш ҳам мўлжалланган.

Бу кун колхозимиз қишлоқлари янада кўркам бўлади. Хўжалигимиз аъзолари 2500 туп мевали дарахтлар ҳамда гул-кўчатлари ўтқазадилар.

Бир сўз билан айтганда, қизил шанбалик зарбдорларча меҳнат, бунёдкорлик шодиёнасига айланади. Колхозимиз аъзолари белгиланган режаларнинг ҳаммасини тўлиқ амалга ошириш учун куч-ғайратларини аямайдилар.

В. АФАНАСЬЕВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз партия комитетининг секретари, коммунистик шанбаликни ўтказиш бўйича штаб бошлиғи.

ЭРТАГА—СОВЕТ ФАНИ КУНИ

ТАРАҚҚИЁТ ҚАНОТИ

Владимир Ильич Ленин 1920 йилнинг 7 сентябрида Тошкентда Давлат университетини ташкил этиш тўғрисидаги Декретга имзо чеккандан буён ўтган давр ичида Ўзбекистон илм-фан ва маърифат бўстонига айланди.

Ҳозир республикада кўплаб илмий муассаса ишлаб турибди, 34 мингдан кўпроқ илмий ходим, шу жумладан 900 дан зиёд фан доктори. 12,5 минг нафар фан кандидати турли соҳаларда илмий тадқиқотлар билан машғул.

Республикамиз фан аҳли барча совет олимлари қатори ўзининг анъанавий байрамини катта ютуқлар билан нишонламоқда. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице президенти Э. Ю. ЮСУПОВ илм аҳлларининг айни шу кунларда олиб бораётган ишлари ҳақида ҳикоя қилади.

— Республика фанлар академиясининг яқиндагина Тошкентда бўлиб ўтган йиллик умумий йиғилишида ўртоқ Ш. Р. Рашидов ҳозир мамлакатимиз турмушининг ҳамма соҳаларига илм-фан сингиб кетганлиги, халқимиз партия режаларини амалга оширишда фан ютуқларига таянниб иш тутаётганлигини алоҳида таъкидлади.

Ҳақиқатан социалистик жамиятнинг ҳозирги тараққиётида халқ хўжалигининг бирон тармоғи йўққи, унга фан ютуқлари кирмаган бўлсин. Фан — бутун юксалишларимизнинг асоси ва йўлчи юлдузи бўлиб қолди. Ўзбекистонда илм-фан жадал суръатлар билан равнақ топмоқда. Олимларимиз математика, математик статистика, астрономия, қуёш физикаси, физик-электроника, ядро физикаси, механика, сейсмология, биорганик химия, алкалоидлар, оқсиллар ва полимерлар химияси, ўғитлар химияси ва технологияси, пахта генетикаси ва селекцияси соҳасида, автомат бошқарув системаларини вужудга келтиришда, Ўзбекистон халқлари маданияти тарихини ўрганишда фундаментал тадқиқотлар яратиб, улкан муваффақиятларга эришдилар.

Республикада илм-фаннинг етакчи маркази сифатида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси олимларининг хизмати катта амалий аҳамият касб этмоқда. Партия қўйётган юксак талабларни бажариш йўлида улар чинакам фидокорлик кўрсатмоқдалар. Олимларимиз тадқиқотлари республикамиздан ташқарида ва чет элда ҳам юксак баҳога сазовор бўлаётир. Академия бўлинмаларининг СССР, қардош республикалар Фанлар Академиялари, илмий муассасалари билан алоқалари кенгайди. Бу эса халқ хўжалиги учун муҳим бўлган қатор муаммоларни ҳал қилишга имконият яратди. Айниқса, тадқиқотчиларнинг ғўзанинг янги навларини етиштириш, суғоришнинг тежамли усулларини ишлаб чиқиш, зарарсиз дефолиантларни яратиш, пахта чиқитларидан фойдаланишни анча кенгайтириш, озуқа базасини вужудга келтириш, шунингдек, дори-дармонларни синтез қилиш ишлари партия XXVI съездида алоҳида қайд этиб ўтилганлиги биз учун катта илҳом бахш этади. Республикамиз олимлари Бутуниттифоқ «Пахта» комплекс программасига алоқадор масалалар ва бошқа проблемаларни ишлаб чиқишда ҳам актив иштирок этдилар.

Илмий муассасалар, ўқув юртлари ва ишлаб чиқариш коллективлари ўртасидаги ҳамкорликнинг янги формаси — ижодий ҳамдўстлик тўғрисидаги шартномалар кенг оммалашди. Шунингдек, олимларимиз Болгария, ГДР, Польша, Монголия, Югославия, Франция, ГФР, Швеция ва бошқа мамлакатларнинг илм-фан ташкилотчилари билан яқиндан алоқа ўрнатиб, биргаликда тадқиқотлар ўтказмоқдалар.

Кейинги йиллар ичида тадқиқот ишларининг сифати ва самарадорлиги анча ошди. Беш йиллик мобайнида илмий тавсияларни жорий этиш туфайли жами 1,6 миллиард сўмлик иқтисодий самара олинди. 1976 йилдагига қараганда 1980 йилда ишлаб чиқаришга жорий этилган ишланинг миқдори 3,5 баравар кўпайди.

Партия ва ҳукуматимиз илм-фан ташкилотчиларини, ўзининг тинимсиз меҳнати билан жонбозлик кўрсатаётган олимларни ҳамиша қадрлаб келмоқда. Сўнгги беш йил мобайнида Фанлар академиясининг 100 дан ортиқ илмий ходими СССР орден ва медалларига ҳамда фахрий унвонларга сазовор бўлди. 50 ходим СССР ва Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари билан тақдирланди.

Биз эртага Совет фани кунини нишонлар экамиз, республикамизда маърифатни юксак чўққиларга кўтараётган кашфиётчилар билан ҳақли равишда фахрланамиз. Қалбимиз шунинг учун ҳам ифтихорга тўладики, революциядан илгари бор-йўғи 2 процент аҳолиси саводли бўлган ўлканинг бугунги кунда жаҳонга машҳур алломалари, илм-фан жонкуярлари тўла куч ва ғайрат билан жўшиб ишламоқдалар.

Шонли партиямиз XXVI съезди олимларимизнинг бундан буёнги ишини аниқ план билан қуроллантирди. Бу режаларга кўра Ўзбекистон олимлари ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтириш, интенсив ривожланиш йўлига ўтишни жадаллаштириш, илмий-техникавий программаларни амалга ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, республикада қора ва рангли металлургияни ривожлантириш, ёқилғи, энергетика ресурсларидан оқилона ва тежаб-тергаб фойдаланиш, фойдали қазилмаларнинг янги запасларини ўрганиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган тадқиқотларни янада чуқурлаштиришлар, пахтачиликнинг самарадорлигини ошириш, маҳаллий ҳомашёдан тайёрланадиган янги арзон ва юксак даражада чидамли биноқорлик материалларини яратиш, шунингдек, социализмдан коммунизмга ўтишдан иборат бўлган улкан тарихий жараённинг назарий ва амалий масалаларини чуқур илмий асосда ёритиш устида янада активроқ ишлашлари керак. Бу вазифалар республикамиз олимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Шубҳа йўққи, улар умумхалқ манфаатини кўзда тутадиган муаммолар устида сидқидилдан кўрсатиб ишлайверадилар. Ўз кашфиётлари билан коммунистик жамиятнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жаҳонда тинчликнинг барқарор бўлиши учун куч ва ғайратларини аямайдилар.



Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводининг ишчилари пахта йиғимтерим кампаниясини бошлашгунга қадар кўплаб «зангори кема»ларни тайёрлаб, хўжаликларга жўнатишга карор қилганлар. Шу кунларда корхона меҳнат аҳли суръатга суръат қўшиб, меҳнат қилмоқда. Квартал топшириқлари муддатидан илгари адо этилиб, пландан ташқари бир неча терим агрегати ишлаб чиқарилди. Суратда: тайёр пахта териш машиналари жўнатиш майдонида.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

КОММУНИЗМНИНГ АКТИВ БУНЁДКОРЛАРИ

(ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ХОТИН-ҚИЗЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН)

Хотин-қизларимиз активлиги ўсиб бораётганлиги, уларнинг юксак гражданлиги, мамлакатнинг барча ишларида иштирок этаётганлиги совет турмуш тарзининг характерли хусусияти, социалистик жамиятнинг қонунияти бўлиб қолди.

Бизда кўпгина аёллар министр, республика идораларининг раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари бўлиб ишлаяптилар, минглаб хотин-қизлар бошланғич партия ташкилотларига, корхоналар, хўжаликлар, муассаса, цех, бригада, фермаларга бошчилик қилмоқдалар. Шу каби кўпгина факт ва рақамлар куни кеча бўлиб ўтган Тошкент область хотин-қизлар конференциясида сўзга чиққан делегатларнинг нутқларида тилга олинди.

Конференцияда область ижроия комитети раисининг ўринбосари, область хотин-қизлар Советининг раиси Г. Б. Йўлдошева «КПСС XXVI съезди қарорларини бажаришда Тошкент область хотин-қизларининг иштироки» тўғрисида доклад қилди.

Областимиз хотин-қизларининг бу йилги конференцияси, — деди докладчи,— КПСС XXVI съезди тарихий қарорлари таъсири остида ўтмоқда. Совет кишилари съезд қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Марказий Комитет номидан қилган Ҳисобот докладидаги қоида ва хулосаларни қизғин маъқуллаб, белгиланган режаларни ҳаётга тадбиқ этиш иштиёқида ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақанн кенг авж олдирдилар.

Партия ва ҳукуматимиз хотин-қизларга қулай шарт-шароитлар яратиб бермоқдалар. Бу ғамхўрлик КПСС XXVI съезди тарихий қарорларида ва КПСС Марказий Комитети ҳамда СССР Министрлар Советининг яқинда эълон қилинган қарорида янада ёркин ва аниқ ифодаланди.

Совет хотин-қизлари бу ғамхўрликка жавобан фидокорона меҳнат қилиб, ўз куч ва ғайратларини, билимларини, истеъдод ва маҳоратларини коммунизм қуриш ишига бахш этмоқдалар.

Областимизда 226 мингдан зиёд хотин-қиз халқ хўжалигида меҳнат қилялти. Улар миллионлаб совет кишилари қатори меҳнат қаҳрамонлиги намуналарини кўрсатиб, социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқда, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича ажойиб ташаббусларни кўтариб чиқмоқдалар.

Илғор аёлларимиздан 7 киши — донгдор пахтакорлар Чиноз районидаги Киров номли колхозининг бригада бошлиғи, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Турсуной Охунова, Бекобод районидаги Ленин номли колхоз бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Адолат Рўзиматова, Бўка районидаги «Ленинобод» колхози бригада бошлиғи Инобат Хожибакова, Пискент районидаги 1-«Пискент» совхози бригада бошлиғи Дилбар Норматова, Оржоникидзе районидаги «Коммунизм» колхози маккажўхорикорлар бригадаси бошлиғи Тамара Шогиёсова, Оқкўрғон районидаги Сегизбоев номли совхоз маккажўхорикорлар бригадаси бошлиғи Марҳамат Искандарова, Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози сут соғувчиси Волида Мусаева, Янгийўл пойафзал фабрикаси ишчиси Орзухон Икматовалар КПСС XXVI съездига делегат бўлдилар.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати, Ўзбекистон Компартияси ХХ съезди делегати «Красный водопад» экспериментал хўжалиги машинада сут соғиш оператори Анастасия Ивановна Чудная ҳаммага намуна кўрсатиб меҳнат қилмоқда. Жуда кўплаб чорвадор аёлларимиз тўғрисида ҳам ана шундай илиқ гапларни айтиш мумкин.

Хотин-қизларимиз саноат, транспорт, қурилишда ҳам ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан обрў-эътибор топиб келишяпти. Ўзбекистон иссиққа чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинати ишчиси Зоя Ивановна Побединская айни кунларда 1989 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. Оҳангарондаги «Стройпластмасс» комбинати ишчиси М. К. Дработова эса шу йилнинг август ойи учун ишламоқда. «Чирчиқхимстрой» қурилиш бошқармаси пардозловчилар бригадаси бошлиғи Н. И. Ермолаева, «Ўзбекшахтострой» трести пардозлаш бошқармасидан бригада бошлиғи С. А. Комарова, «Алмалиқсвинецстрой» трести бўёқчи сувоқчиси Г. Қодировалар ўз коллективларида катта ҳурматга сазовор бўлишган.

Юзлаб хотин-қизларимиз соғлиқни сақлаш, халқ маорифи, маиший хизмат кўрсатиш, фан, адабиёт ва санъатда донг таратмоқдалар.

Совет ҳокимияти даврида мамлакатимизда оналарни моддий таъминлашнинг, она ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишнинг аниқ давлат системаси юзага келтирилди. Хомиладор аёллар ва оналарга бериладиган отпуска ва бошқа имтиёзлар ҳам шунга киради. 1980 йилда Тошкент областининг ўзида оилик давлат нафақаларини олган кўп оилали ва ёлғиз оналар сони 55 минг кишини ташкил қилди. Уларга 5 миллион сўмдан ортиқ нафақа тўланди.

Давлатимиз болалар боғчалари, ясли ва бошқа мактабгача болалар муассасалари шоҳобчаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда. Ҳозир областимизда 825 та мактабгача тарбия муассасаси ишлаб турипти. Уларда 116 мингга яқин қичқинтой тарбия топмоқда. Ҳеражатларнинг жуда катта қисмини давлат ўз зиммасига олган. Бизда ҳар уч қичқинтойнинг бири болалар боғчасига ёки яслига қатнайди.

Бугунги кунда соғлиқни сақлаш системаси тўғрисидаги ҳар қанча яхши гапларни айтсанг арзийди. Унинг мавқеи мустаҳкамланиб, болалар ва оналарга интисослашган ёрдам кўрсатиш ривожланмоқда. Бир ёшгача бўлган қичқинтойлар шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам алоҳида назорат остига олинган.

Уничи беш йилликда кўплаб аёллар консультацияларн, касалхоналар, болалар поликлиникалари ва бошқа медицина муассасалари ишга тушди. Касалхоналардаги ўринлар сони 3510 тага ортди. Ҳозир областимизда 14 та сут ошхоналари ишлаб турибди. Улар кунига болалар учун 85 минг порция сут маҳсулотлари тайёрламоқдалар. Шундай муассасалардан яна учтаси битай деб қолди.

КПСС XXVI съезди маиший хизмат кўрсатишни янада ривожлантириш, аҳоли турмуш маданиятини ошириш вазифаларини қўйди. Бу соҳада ҳам кўпгина ишлар амалга оширилганлигини қониқиш билан айтиб ўтиш керак. Ўтган беш йилликда областимизда 15 та йирик объект шу жумладан 2 та кийимларни химёвий усулда тозалаш фабрикаси, 4 та маиший техника ремонти ателеси, 6 та маиший хизмат кўрсатиш уйи фойдаланишга топширилди. Маиший хизмат моддий-техника базасини мустаҳкамлашга 3,5 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

Биз халқ депутатлари Советларининг доимий комиссиялари, область, район, шаҳар, корхона ва ташкилотларнинг хотин-қизлар Советлари олиб бораётган жуда катта ва самарали ишларни қониқиш билан қайд этамиз. Ангрен, Олмалиқ, Чирчиқ, Бекобод, Ўрта Чирчиқ, Бўстонлиқ, Янгийўл, Чиноз ва бошқа районлар хотин-қизлар Советлари фойдали ва самарали иш олиб боришмоқдалар. Улар ўз мажлисларини мунтазам ўтказиб, муҳокамадаги масалаларни ишчанлик билан ҳал қилмоқдалар.

Шубҳа йўққи, Коммунистик партия ғамхўрлигидан миннатдорчилик ҳиссларига тўлиб тошган совет хотин-қизлари билдирилган ишончни ҳар қачонгидек шараф билан оқлайдилар, ўн биринчи беш йиллик планларини бажаришга, бутун дунёда тинчлик ўрнатиш ва халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш учун курашга муносиб ҳисса қўшадилар.

Докладдан сўнг музокералар бошланди. Докладни муҳокама қилишда Чиноз район партия комитетининг секретари Б. Ғуломова, Бўстонлиқ районидаги 4-ўрта мактаб директори Т. А. Фенина, Янгийўл пойафзал фабрикаси ишчиси, КПСС XXVI съезди делегати А. Икматова, Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхозининг раиси М. Л. Пугачева, Тошкент районидаги 15-ўрта мактаб ўқитувчиси қаҳрамон она С. Ахмаджонова, Чирчиқдаги 160-қурилиш трести бўёқчилар бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. И. Ермолаева, Олмалиқ болалар касалхонаси бош врачи Р. Л. Гольдман, Коммунистик районидаги Свердлов номли колхоз сут соғувчиси М. Ким ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати шоира Ойдин Ҳожиевалар қатнашдилар.

Конференцияда область хотин-қизлар Советининг янги состави сайланди. Область ижроия комитети раисининг ўринбосари Г. Б. Йўлдошева совет раиси қилиб сайланди.

Конференция областдаги барча хотин-қизларга мурожаат қабул қилди.

Конференция ишида Ўзсовпроф раиси Н. М. Маҳмудова, область партия комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири О. З. Зуфаров, пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Э. Ш. Шодменов ўртоқлар иштирок этдилар.

СИБИРЬ КУЙЧИСИ

ЁЗУВЧИ, СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ Г. МАРКОВ — 70 ЁШДА

Ижод кишисининг табиати, келиб чиқиши, хулқ-атвори, ҳатти-ҳаракати-ю муомаласи, энг муҳими фикр-ўйи, дунёқараши, орзу-интилишлари ўзи яратган асарда аллақандай қиёфаси билан кўриниб туради. Қўлига қалам олиб ёзув столига ўтирар экан, узоқ ўтмишда, бегубор ёшлик йилларида ҳиссиётларини дарзага келтирган, хаёлотида мустаҳкам ўрнашиб, хотирасида бир умрга муҳрланиб қолган воқеа-ҳодисалар, айрим кишилар тақдири унга тинчлик бермайди. Ўтмиш кунлардаги айқаш-уйқаш кечинмалар, таассуротлар ёзувчи улғайган сари типиқлашиб боради. Катта ёзувчини беҳаловат қилган тарих, бутун бир давр унинг тасаввурида реал шахслар, реал воқеалар тарзида қайтадан тикланади, ўз-ўзидан бўлажак асарга кўчади. Чинакам адиб учун ўзи кўрган, шоҳиди бўлган ўтмиш воқеаларини санъат тилига кўчира олишдан мароқлироқ, завқлироқ иш бўлмаса керак...

Сибирь сўзини эшитганимизда яқин-яқингача ҳар биримизнинг кўз ўнгимизда аччиқ қиш-қировн, вахший ҳайвоноти, қаровсиз, ёввойи ўрмонлари билан қўрқинчли манзара касб этган чекн йўқ бир олам жонланар эди. Сибирь сўзини эшитишимиз биланоқ тасаввуримизда ўша чоризм зулмидан ноҳақ жазога тортилган, ҳақиқат деб, эртанги ёруғ кун деб курашгани учун «Сибирь қилинган» — узоқ сургунга лойиқ топилган не-не эрталаб, адолат талаб революционерларнинг аянчли қисмати намоён бўлади.

Ёзувчи Г. Марков бепоён Сибирь ўлкасида 1911 йили дунёга келди. Ўзининг ёшлик, ўсмирлик йилларини у кўрқув билмас овчилар, қалин тайга ўрмонларида ўтказди. Шу муҳитдаги ноҳакликлар, оддий чўпон ҳаётининг оғирлиги ва турмуш мушкулотларидан қутулиш истаги ҳаваскор ёзувчи қўлига қалам тутқазди, унинг дастлабки мақоласи Сибирь газетасида босилиб чиқди. Шу дақиқадан бошлаб ёш мухбир матбуот сўзининг қудратини ҳис этди. У ўзининг бегубор болалик қалби билан матбуотда айтилган гапнинг нималарга қодир эканини англади. Ана шу воқеа бўлажак ёзувчининг ўз овози, ўз мавзуини эгаллаш йўлидаги дастлабки қадами эди. Бўлажак ёзувчи ҳамиша қўраш, ҳаёт қайнаган жойда бўлгани учун, унда бевосита қатнашгани, ўрни келганда эса ўз тенгқурларига йўл бошловчи бўлолгани учун ҳам ҳаётни кенг кўламда, атрофлича, бутун мураккаблиги билан ҳис эта олди, у янгиликка интилди, янги кучларни пайқай билди, бу унинг кундалик ҳаёт мазмунига айланди. Оддий мақоладан тортиб йирик-йирик эпик полотноларгача — барчасида ёзувчининг ўз мавзусига — севимли Сибирь ўлкасини куйлашга бўлган муҳаббати намоён бўлди. Шу муҳаббат ифодаси сифатида бирин-кетин тарихий-революцион темаларни «Строговлар», замонавий мавзудаги «Ер мағзи», коммунизм идеалларини ишлаб чиқишда ҳам актив иштирок этдилар.

Илмий муассасалар, ўқув юртлари ва ишлаб чиқариш коллективлари ўртасидаги ҳамкорликнинг янги формаси — ижодий ҳамдўстлик тўғрисидаги шартномалар кенг оммалашди. Шунингдек, олимларимиз Болгария, ГДР, Польша, Монголия, Югославия, Франция, ГФР, Швеция ва бошқа мамлакатларнинг илм-фан ташкилотчилари билан яқиндан алоқа ўрнатиб, биргаликда тадқиқотлар ўтказмоқдалар.

Кейинги йиллар ичида тадқиқот ишларининг сифати ва самарадорлиги анча ошди. Беш йиллик мобайнида илмий тавсияларни жорий этиш туфайли жами 1,6 миллиард сўмлик иқтисодий самара олинди. 1976 йилдагига қараганда 1980 йилда ишлаб чиқаришга жорий этилган ишланинг миқдори 3,5 баравар кўпайди.

Партия ва ҳукуматимиз илм-фан ташкилотчиларини, ўзининг тинимсиз меҳнати билан жонбозлик кўрсатаётган олимларни ҳамиша қадрлаб келмоқда. Сўнгги беш йил мобайнида Фанлар академиясининг 100 дан ортиқ илмий ходими СССР орден ва медалларига ҳамда фахрий унвонларга сазовор бўлди. 50 ходим СССР ва Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари билан тақдирланди.

Биз эртага Совет фани кунини нишонлар экамиз, республикамизда маърифатни юксак чўққиларга кўтараётган кашфиётчилар билан ҳақли равишда фахрланамиз. Қалбимиз шунинг учун ҳам ифтихорга тўладики, революциядан илгари бор-йўғи 2 процент аҳолиси саводли бўлган ўлканинг бугунги кунда жаҳонга машҳур алломалари, илм-фан жонкуярлари тўла куч ва ғайрат билан жўшиб ишламоқдалар.

Шонли партиямиз XXVI съезди олимларимизнинг бундан буёнги ишини аниқ план билан қуроллантирди. Бу режаларга кўра Ўзбекистон олимлари ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтириш, интенсив ривожланиш йўлига ўтишни жадаллаштириш, илмий-техникавий программаларни амалга ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, республикада қора ва рангли металлургияни ривожлантириш, ёқилғи, энергетика ресурсларидан оқилона ва тежаб-тергаб фойдаланиш, фойдали қазилмаларнинг янги запасларини ўрганиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган тадқиқотларни янада чуқурлаштиришлар, пахтачиликнинг самарадорлигини ошириш, маҳаллий ҳомашёдан тайёрланадиган янги арзон ва юксак даражада чидамли биноқорлик материалларини яратиш, шунингдек, социализмдан коммунизмга ўтишдан иборат бўлган улкан тарихий жараённинг назарий ва амалий масалаларини чуқур илмий асосда ёритиш устида янада активроқ ишлашлари керак. Бу вазифалар республикамиз олимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Шубҳа йўққи, улар умумхалқ манфаатини кўзда тутадиган муаммолар устида сидқидилдик кўрсатиб ишлайверадилар. Ўз кашфиётлари билан коммунистик жамиятнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жаҳонда тинчликнинг барқарор бўлиши учун куч ва ғайратларини аямайдилар.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

ОЗУҚА МЎЛЛИГИ—ЧОРВА БОЙЛИГИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланган Оҳангарон район чорвадорларининг 1981—1985 йилларда чорвачиликни кескин ривожлантириш юзасидан белгилаб олган тадбирларида яқин йиллар ичида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни бир неча ҳисса кўпайтириш кўзда тутилган. Бу улкан марраларни эгаллашда чорва молларн озуқа базасини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этади. Шу боисдан Куйбишев номли совхозда ҳам озуқа экинларн майдонларини кенгайтиришга катта эътибор берилаётир.

Ўн биринчи беш йилликнинг тўнғич йилида бу ерда 13,6 минг тонна ширали озуқа, жумладан, 12 минг тонна силос, 1600 тонна хашаки лавлаги, 9 минг тонна дағал пичан, 5 минг тонна сенаж жамғариш кўзда тутилган. Бунинг учун бедазорлар 209 гектарга кенгайтирилди, 430 гектар эски бедазорлар озиқлантирилиб, суғорилди. 42 гектар ерга хашаки лавлаги экилди.

— Озуқа экинларн ҳосилдорлигини оширишни ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўйганмиз, — дейди совхоз бош агрономи Абдусамад Ортиқов. — Ҳар гектар ердан 500 центнердан ҳашаки лавлаги, 180 центнердан беда пичанн, 80 центнердан маккажўхори донн, 450 центнердан силос олишни мўлжаллаяпмиз. Бунинг учун экинлар парваришини илғор агротехника қоидаларн асосида йўлга қўямиз.

Совхозда бу йил 450 гектар майдонга дон, 233 гектар ерга силос учун маккажўхори экилди. Бу ишни қисқа муддатда тугаллашда 8 та экиш агрегати аъзолари ғайрат қилдилар. Мўл ҳосил устаси Абдурасул Маматов бошлиқ бригада аъзолари экишни хўжаликда биринчи бўлиб тугаллашди. Бу бригадада 70 гектар ерга дон учун маккажўхори, 10 гектар ерга хашаки лавлаги экилди.

Совхоз маккажўхорикорларн давлатга 700 тонна уруғлик дон топшириш ниятидалар. Шунинг учун далаларга серҳосил «Кремнистый УзРОС», «Рекорд» ҳамда поядор «Белий зубовидный» навларн экилди. Хўжалик деҳқонларн бу серҳосил навлардан муттасил юқорн ҳосил олиб келишаётир.

Н. АБДУРАСУЛОВ.

КОНКУРСГА МАРҲАМАТ

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ АДАБИЁТ, САНЪАТ, БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛИК ИЖОДИЁТИ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИ УЧУН КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсга социалистик реализм принципларига асосланган, юксак партиявийлик ва халқчиллик руҳини ўзига сингдирган, кўп қиррали совет санъатини ривожлантиришга, ёш авлод ва унинг авангарди комсомолнинг коммунистик – жамият қурилишидаги қаҳрамонона меҳнатини ифодаловчи ғоявий ва бадиий жиҳатдан етук асарлар қабул қилинади.

Мукофотга тавсия қилинган ишларни шаҳар, район комсомол комитетлари, жойдий Советлар, маданият, жойдий органлар, ёш ижодкорлар билан ишлаш Советлари тақдим қилади.

Тошкент область Ленин комсомоли мукофоти бўйича комиссия тақдим этилган ишларни 20 апрелдан 1 июлгача қабул қилади.

Конкурсга тақдим этилган ишлар Тошкент область комсомол комитети пропаганда ва маданий-оммавий ишлар бўлимига юборилади.

СУРИЯ—ЎЗБЕКИСТОН

БИЗ — ИНТЕРНАЦИОНАЛЧИЛАРМИЗ

Сурия Араб Республикасининг миллий байрами — француз ва инглиз қўшинларн мамлакат территориясидан олиб чиқиб кетилганлигининг 35 йиллиги муносабати билан пойтахтимизнинг Собир Раҳимов районидаги Маннон Уйғур номли 22-ўрта мактабда тантанали кеча ўтказилди.

Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртларида таълим олаётган бир группа суриялик ёшлар бу ерга меҳмон бўлиб келдилар. Кечани мактабнинг чет тиллар илмий бўлим мудири Тоҳир Нуриддинов очди. Тўққизинчи синф ўқувчиси Одина Пирмуҳамедова Совет Иттифоқи билан Сурия Араб Республикаси ўртасидаги дўстлик муносабатлари йилдан-йилга мустаҳкамланиб, ривожланиб бораётганлиги ҳақида йиғилганларга гапириб берди.

Кеча чинакам дўстлик байрамига айланиб кетди. Мактаб ўқувчилари бу кунга атаб катта концерт программаси тайёрлаган эдилар. Ўқувчилар арабча, русча, ўзбекча ашулаларни маҳорат билан ижро этдилар. Айниқса, бешинчи синф ўқувчилари тайёрлаган «Дўстлик», «Улуғ Ленин» деб аталган монтажлар дўст мамлакатдан келган меҳмонлар ва кеча иштирокчиларида яхши таассурот қолдирди. Мактабнинг қўғирчоқ театри қатнашчилари араб тилида «Ёлғиқ овчида» «Мушук қандай миёвлашни ўрганди» спектаклларини ҳам намойиш этдилар.

Бу — мазкур мактабда интернационал дўстликка бағишлаб ўтказилаётган тадбирларнинг биридир. Ўқувчиларга араб тили ўргатилаётган бу билим даргоҳида дарслардагина эмас, синфдан ташқари ишларда ҳам ёшларнинг шарқ халқлари тарихи, одатлари билан яқиндан танишувига имкон яратилмоқда. Бу борада мактабдаги интернационал дўстлик клуби самарали фаолият кўрсатмоқда. Клуб шарқнинг буюк донишманди Абу Райҳон Беруний номи билан аталади. Унда саккизта секция ишлайди.

Клубнинг жонкуяри, араб тили ўқитувчиси Руҳилла Мусахўжаев мактабда олиб борилаётган ишлар ҳақида шундай ҳикоя қилади:

— Биз қардош социалистик мамлакатлар ва араб шарқи мамлакатлари билан мунтазам алоқалар қилиб турамиз. Мактабимиз араб мамлакатлари билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи жамиятнинг коллектив аъзосидир. Интернационал дўстлик клуби аъзолари клуб кенгаши тузиб чиққан план бўйича қатъий иш олиб борадилар. Улар социалистик мамлакатлардаги тенгдошлари билан ёзишиб турадилар. Клуб иши «Бизнинг кучимиз дўстликда, дўстлик — бизнинг бурчимиз» шиори остида олиб борилади. Клуб лекторлар группаси араб мамлакатлари ижтимоий ҳаётида юз бераётган муҳим воқеалар ҳақида ҳар шанба куни ахборот беради. Клуб аъзолари кучи билан «Дўстлик» деворий газетаси чиқарнб турилибди.

Еш интернационалчилар Тошкентда ўқиётган Сурия, Ироқ, Яман, Жазоир ва бошқа араб мамлакатларн студентлари билан учрашувлар ташкил қиладилар.

Мактаб ўқитувчилар ва ўқувчилар коллективи бүйдан буён ҳам жаҳоннинг барча халқлари билан интернационал дўстлик ва бирдамликни мустаҳкамлаш ниятидалар.

М. СОЛТОВ.

Республика шахмат-шашка клубида шахмат бўйича эркаклар ўртасида Ўзбекистон чемпионати давом этаётир. Суратда: мусобақа пайтн. Олдинги планда янгийўллик спорт мастерн В. Егин.

Ф. Қурбонбоев фотоси. (ЎзТАГ).

ШИНГИЛ САТРЛАР

СУМАЛАК САЙЛИ

▲ ЯНГИЙЎЛ. Жданов номли 51-ўрта мактаб боғида сумалак сайли бўлиб ўтди. «Партия XXI съезди» колхози раиси. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Мараҳимов ўқувчилар меҳмони бўлиб, айни кунларда далаларда амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди. Сумалак сайли баҳона, бир пиёла чой устида баҳор, бахт, тинчлик ва меҳнат ҳақида куй ва қўшиқлар янгради. Шу маросимга бағишланиб ўтказилган шеърхонликда шоирлардан Назармат, Сафар Барноев, Темур Убайдулло, Обид Расул ва бошқалар иштирок этдилар.

С. ҒОФУРОВ.

«МЎЪЖИЗАКОР ҚЎЛ»

▲ ТОШКЕНТ. Республика ҳужжатли фильмлар киностудиясида камёб ва йўқолиб бораётган ҳайвонлар ҳақида туркум фильмлар яратиш планлаштирилган. «Мўъжизакор қўл» деб номланган янги ҳужжатли фильм ана шу хилдаги киноасарнинг дастлабкисидир.

С. ОДИЛОВА.

ҲАСАН, ҲУСАН ВА ЗУҲРА

▲ ОҲАНГАРОН. Сельская кўчасида истиқомат қилувчи ўқитувчи Зоҳиджон Нурчаев катта оилага бош бўлиб қолди. Унинг умр йўлдоши Ғулой Нурчаева бир йўла уч фарзанд кўрди. Янги меҳмонларга Ҳасан, Ҳусан ва Зуҳра деб ном берилди. Чақалоқлар соғлом ўсишмоқда.

К. ЕРОВ.

ИХЛОС

▲ ПАРКЕНТ. Улуғ Ватан уруши ветерани Самиғжон ота Тиллабоев оиласини санъатсеварлар оиласи деса бўлади. Оловли йилларда қуролдошларини жозибали куй ва қўшиқлар билан ҳушкуд этган отанинг барча фарзандлари санъатга чин ихлос қўйишди. Кенжа ўғил Хисомиддин бу борада, айниқса, ажралиб туради. Пушкин номли 26-ўрта мактаб ўқувчиси Ҳ. Тиллабоев ёқимли овози билан ҳамқишлоқларини мамнун қиляпти. У яқинда бўлиб ўтган район ва область бадиий ҳаваскорлари кўрик-конкурсида бош совринни эгаллади.

И. ОДИЛОВ.

ОШҚОЗОН ДОШҚОЗОН ЭМАС

Одатда биз меъдани таом қабул қилувчи орган деб ҳисоблаймиз. Бироқ одам эҳтиёт бўлмаса, унга яна бир қанча ёт нарсалар тушиши мумкин.

Медицина фанлари кандидати Э. Шомирзаев қабулида бўлган М. исмли ёш ниманки истеъмол қилса, қайт қилишидан, бироз овқат егандан сўнг ошқозони тўлиб кетишидан шикоят қилган. Бемор бу аҳволга бир неча йиллар давомида етиб келган. Шифокорлар унинг ошқозон ичак йўлларини рентген нурлари ёрдамида текшириб кўрганларида, ошқозон шакли ва ҳажми жуда ҳам кичрайиб кетганлигини аниқладилар. Умуман бемор ошқозонида шиш касалига хос ўзгаришлар бор эди. У операцияга столига ётқизилди. Воажаб, ошқозонда каттагина соч коптоги топилди. Бу ҳодисани медицина тилида безоар дейилади.

Соч копток қандай қилиб ошқозонга тушиб қолди, деган савол туғилади. Аниқланишича аёлнинг ёшлигидан ёмон одати бор экан. У гаплашаётганида ёки ўзига оро бераётганида сочларининг учини тишлаб беихтиёр оз-оздан ютиб юборар экан. Натижада, аёлнинг меъдасида соч коптоги — безоар ҳосил бўлган.

Қизил ўнгач, меъда ва ичаклардан ўтиб кетган нарса (танга, тугмача, золдир, данак, узук, зирак ва ҳоказо) 1—2 кун ичакларда сайр қилиб юради-да, сўнг кўпинча организмдан ўзи чиқиб кетади. Аммо, у ўз йўналишида кўп тўсиқларга дуч келади. Масалан, шунақа физологик «дамба» қизил ўнгачнинг уч жойида — бошланишида, ўртасида ва меъдага кириш қисмида мавжуд. Агар ютилган нарса қизил ўнгачнинг тор туйнукчаларидан ҳам ўтиб кетса, энди у меъданинг чиқиш қисмида ёки ингичка ичакдан йўғон ичакка ўтиш жойида тутилиб қолиши мумкин.

Кўпинча ана шу вақтда бемор безовта бўлиб қолади ва жарроҳлар операция қилиб ёки бошқа бирор иложини топиб, тиқилиб қолган нарсани олиб ташлайдилар.

Ошқозонга ютилган нарсаларнинг бири олтин танга бўлган. Бу ҳақда матбуотда шундай хабар тарқалади: бир вақтлар Австрия императори Франц Иосиф шарафига зарб қилган ўн кронлик олтин тангаларнинг ягона нусхаси бундан 63 йил муқаддам танга ва металлар сақланадиган тарихий хонадан йўқолади. Император ўзининг қимматбаҳо мулкини сақловчи хизматчисини, албатта, ишдан бўшатган. Бу хизматчининг хозир Лодзи шаҳрида яшовчи набираси

ХОҲ ИШОНИНГ, ХОҲ ИШОНМАНГ

узоқ йиллар давом этган қорин оғриги касаллигига шифо излаб, 1967 йилда санаторияга боради. Врачлар унинг ошқозонини ювишни тавсия қилишади. Қаранг-ки, бир вақтлар Вена серойидан йўқолиб, катта можарога сабаб бўлган ўша машҳур танга беморнинг ошқозонида экан. Императорнинг ноёб нарсаларини сақловчи чолнинг набираси, эҳтимол, ёшлигида буваси ёнида ўйнаб юриб, кўзга чиройли кўринган ялтироқ олтинни оғзига солган-у, кейин бехосдан ютиб юборган.

Энди, мана бу сўлкавойга нима дейсиз? 1974 йил олтинчи январь кечқурун 10 ёшли Абдубоқи Қодиров телевизор кўриб ўтириб чуқур эснади. Бу вақтда ўйинқароқ бола кўлидаги бир сўмлик тангани ютиб юборган экан. Томоққа тиқилиб қолган танга оғриқни кучайтиради, нафасни қисади. У ҳадемай қизил ўнгачга ўтади. Оғриқнинг зўридан аҳволи оғирлашаётган бола устмаруст сарёғ ютди. Ниҳоят, воқеанинг тафсилотини онасига айтди. Ўша заҳоти она-бола биринчи шаҳар клиника касалхонесига йўл оладилар.

Шифокорлар Абдубоқини рентгенда кўришди. Қизил ўнгачнинг меъдага ўтиш қисмида 1 сўмлик танга кўринди. Эртасига у меъдага ўтади. Аммо, танга бу ердан 12 бармоқли ичакка ўтиб кетолмади.

Шифокорлар олдида операция қилиб сўлкавойни олиб ташлаш керакми, деган муаммо турарди. Беморнинг умумий аҳволи унча ёмон бўлмагани учун операция қилишга шошилишмади. Ўша куни боланинг қорни яна оғриб чиқди. Яна бир кун ўтгач эса, танга меъдадан, ўн икки бармоқли ва ингичка ичакдардан ўтиб, (уларнинг узунлиги 5 метр) кўричакка келиб тўхтади. Бу ерда кичкина туйнукча бўлиб, ундан унча-мунча нарса ўтиб кетолмайди. Шу боисдан сўлкавой яна икки кун «қамалда» қолди.

Кечаси беморнинг қорни баттарроқ ғижимлаб оғриб чиқди. Эртасига операция қилиш мақсадида унинг қорнини яна рентгенда кўришди. Қизиғи шундаки, сўлкавой тўғри ичакка тушиб келаётган экан. Ҳа демай, танга ташқарига чиқди. Бир неча кун давомида у кўкариб кетганди.

Медицина соҳасидаги 35 йиллик меҳнат фаолиятим давомида бундай воқеаларга жуда кўп дуч келганман. Баъзан ёш болалар пружина, игна ва ҳаттоки, синган лезвия бўлагини ҳам ютиб юборишади. Бир психик бемор кетма-кет 6 та игнани ютиб юборган.

Жарроҳ О. Тиллаев оғир психик беморнинг меъдасидан 300 грамм майда мих, 2 сўм 31 тийин танга ва 1 та тўғноғич олиб ташлаган.

Бехосдан ютиб юборилган ёт нарсалар ичакларда астасекин қалқиб ёки сузиб юраверади. Рентгенда аниқ-равшан кўринади.

Табиатнинг ўзи қизиқ. Меъда ёки ичак ёт нарсани ағдариб унинг тиғ, яъни кесадиган қисмини орқа томонга қаратиб, тўмтоқ қисмини эса олдинга қаратиб йўл бошловчи қилиб қўяди. Тиғли, найзали нарсаларнинг меъда ва ичакларни кўпинча шикастлантирмай ўтиб кетишининг боиси ҳам шунда. Бундан ташқари табиатан сезгир ва қисқарувчи меъда ҳамда ичак деворлари тиғ билан тўқнашувидан кўрққандек, унга донм чап берадилар.

Лекин ҳар доим ҳам бундай бўлавермайди. Кунларнинг бирида игна бемор қизилоқнинг ичагини тешиб орқа умуртқаси томон силжиган. У катта қон томири аортани тешиб юбормасин учун операция қилиш йўли билан олиб ташланди.

Яна бир ноёб ҳодиса. Еш боланинг пастки лаби кесилиб қонаяпти. Гиламда эса лезвиянинг ярим палласи ётибди. Лекин унда қон йўқ. Ажабо, лезвиянинг иккинчи палласи қани? Наҳотки, ютиб юборган бўлса? Рентген нурлари бу саволга «ҳа» деб жавоб берди. Жарроҳлар дарҳол операция қилишлари мумкин эди. Аммо бундай қилишмади. Улар тўғри йўл тутишган экан. Масала оддий ва табиий ҳал бўлди. Икки кундан сўнг лезвиянинг ўзи кўринди. Томоқ, қизил ўнгач, меъда, ичаклар ёвуз душман билан «муросамадора» қилишди. Акс ҳолда «қонли жанг» юзага келган бўлур эди. Қаранг, организм қанчалик асл яратилган экан.

Агар бола-чақали уй саранжом-саришта бўлса, бунақанги нотинчликларга ўрин қолмайди. Ҳамма нарса бесаранжомликдан, ўйинқароқликдан келиб чиқади. Мана, ошқозонининг ичида қанча гаплар бор экан.

Ошқозон — дошқозон эмас. Унн эҳтиётлаш керак.

З. ЭГАМБЕРДИЕВ.
медицина фанлари кандидати.

Спорт

● ВЕЛОСПОРТ

Тошкентлик велосипедчи Шоҳид Загриддинов Парижда ўтказилган «Сартз» анъанавий мусобақасининг биринчи босқичида ғолиб бўлди. Ҳамшаҳаримиз 158 километр масофани 3 соат 57 минут 17 секундда босиб ўтди. Бу пойгада ҳаваскор спортчилар билан бирга профессионал велосипедчилар ҳам иштирок этмоқдалар.

● ВОЛЕЙБОЛ

Днепродзержинск шаҳрида олий лига эркаклар командалари ўртасида 7—12 ўринлар учун беллашувлар давом этаётир. Навбатдаги турда Тошкентнинг «Динамо» командаси Москва олий техника билим юрти студентларини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Бугун волейболчиларимиз Олмаотанинг «Дорожник» коллективи билан куч синашадилар.

● КЛАССИК КУРАШ

«Буревестник» кўнгилли спорт жамияти Марказий Советининг совриии учун ўтказилган Бутуниттифоқ мусобақасида тошкентлик К. Фатхуллин (62 килограмм) бош сорин эгаси бўлди. Республикамиз вакилларидан Р. Қудратов (68 кг.) иккинчи, Б. Боков (74 кг.) А. Грешко (100 кг.) учинчи ўринларни эгалладилар. Республикамиз вакиллари умумкоманда ҳисобида учинчи бўлишди. ТошДУ полвонлари олий ўқув юртларининг спорт клублари орасида биринчи ўринни олдилар.

● ҚИЛИЧБОЗЛИК

Республика Министрлар Советининг совриии учун қиличбозлик мусобақалари «Ёшлик» спорт аренасида давом этаётир. Рапира турида қизларнинг шахсий беллашувлари бўлиб ўтди. Тошкентлик Ирина Пападмитрева биринчи ўринни эгалладн. Бугун команда мусобақаларига якун ясалади.

● ЧАВАНДОЗЛИК

Тошкент ва Чирчиқ шаҳарларида республика Министрлар Советининг совриии учун супорийлар куч синашмоқда. Мусобақанинг биринчи турида, яъни «Кичик соврин» бахсларида ҳар уч фахрли ўринни тошкентлик қизлар қўлга киритдилар. Улар М. Заморoева, Н. Довженко, Е. Фаситскаялардир.

ДАВРЛАР ВА ФИЛЬМЛАР

Пойтахтдаги Санъат саройида «Даврлар ва фильмлар» деб номланган кўргазма очилди. Республика кино санъати музейи ходимлари ташкил этган мазкур кўргазманинг дастлабки бўлими ўзбек халқининг ўтмиши ҳақида ҳикоя қилади. Бу ерда томошабинлар «Иккинчи хотин», «Равот қашқирлари», «Қасам», «Асал» каби тарихий бадиий фильмларнинг кадрлари билан танишадилар. Кўргазманинг шу бўлимидан «Ўтган кунлар», «Осиё устида бўрон», «Фавқулодда комиссар», «Еттинчи ўқ», «Узоқ — яқин йиллар», «Бу Қўқонда бўлган эди», «Муҳаббат ва нафрат» каби фильмлардан суратлар ҳам ўрин олган.

Яна бир бўлимда халқимиз орасида минг йиллардан бери оғиздан-оғизга ўтиб келаётган достон ва эртаклар асосида суратга олинган кинофильмлардан кадрлар акс этади. Кўп миллионли киномухлислар олқишига сазовор бўлган «Тоҳир ва Зуҳра», «Насриддин Бухорода», «Семурғ», «Алибобо ва қирқ қароқчи» каби бадиий фильмлар ана шулар жумласиндандир.

Ватан учун, халқ учун, покиза она тупроқ учун Улуғ Ватан уруши йилларида қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган юртдошларимиз образларини акс эттирувчи «Генерал Собир Раҳимов», «26-отилмасин», «Ой бориб омон қайт», «Сен етим эмассан» каби кино асарларидан лавҳаларга кўргазмада кенг ўрин берилган. Сўнгги бўлимда Ўзбекистон илмий-оммабоп ҳужжатли фильмлар киностудияси маҳсулотларидан кадрлар бор. Шунингдек, кўргазмага ўзбек совет киноусталарининг фотосуратлари қўйилган.

Мазкур экспозициялар Тошкент шаҳрининг барча кинотеатрларида, республикамиз областларида ҳамда Қорақалпоғистон АССРда намойиш этилади.

Э. ҚОДИРОВ.

Реклама ва эълонлар

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

20 апрелда

Т. МИНУЛЛИН асари.
С. АҲМАД таржимаси.

«АЛМАНДАР»

(2 пардали комедия)

СПЕКТАКЛИ НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ

Спектаклдан тушган маблағ тинчлик фондига ўтказилади. Билетлар сотилган.

М. Қорнёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

18 апрель соат 18.00 да

М. Қорнёқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси «ҲАНДА» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Шерқўзи ҒОЗИЕВ, Исмонжон ТУРДИАЛИЕВ, Насиба ЭГАМБЕРДИЕВА, Мастура ФАЗЛИДДИНОВА, Ўлмасхон НУРМАТОВА, Зуҳра ҒОЗИЕВА, Аъзам ҒОЗИЕВ, Акбар ЙЎЛДОШЕВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани — Мамасолн ХОЛМАТОВ ва Мирзаҳошим КЕНЖАЕВ олиб борадилар.

«ҲАНДА» ансамблининг бадиий раҳбари — Шерқўзи ҒОЗИЕВ.

Музика раҳбари — Нозим ЖАББОРОВ.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

25 апрелдан бошлаб

ЯНГИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

Озарбайжон ССРда хизмат кўрсатган артист Товфиқ ОХУНДОВ раҳбарлигидаги

«АФРИКА ТИМСОҲЛАРИ» АТТРАКЦИОНИ

Георгий ВОЛИШИНСКИЙ раҳбарлигидаги «МУШУКЛАР БИЛАН ОРИГИНАЛ ДРЕССУРА» аттракциони иштирок этади.

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари 16 ва 19.30 да, якшанба кунлари 13.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.

КАССА СОАТ 10.00 ДАН 20.00 ГАЧА ОЧИҚ.

Справкалар олиш учун телефонлар: 44-35-84, 44-35-91.

ТОВАРЛАР—ХАЛҚҚА

ИП-35 ЭЛЕКТР МАШИНКАСИ—СОЧНИ ҲАР ҚАНДАЙ УСУЛДА ОЛАДИ ВА ЖИНГАЛАК ҚИЛАДИ

Бу модель ўзининг хусусияти билан мамлакатимизда ва чет элларда ишлаб чиқарилган шундай машинкалар намунасига мос келади.

Регуляторли қирқиш блоки сочни ҳарқандай усулда олиш ва жингалак қилиш имконини беради.

Машинканинг вибратори товушни намайтирибгина қолмай, балки радиоприёмник ва телевизион эшиттиришларга ҳалақит бермайди.

ИП-35 типидаги электр машинка ташқи кўриниши жиҳатдан замонавий бўлганлиги учун ҳам бошқа моднфикациялардан қолишмайди.

Электр машинканинг баҳоси — 35 сўм.

МОСКВАДАГИ «МИКРОМАШИНА» ЗАВОДИДА ТАЙЁРЛАНГАН.

«ТЕЛЕПРЕССТОРГРЕКЛАМА».

Тошкент область ижроия комитетининг

МЕҲНАТ БЎЙИЧА БЎЛИМИ

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ ВА В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА

ИШЧИЛАРНИ ТАШКИЛИЙ РАВИШДА ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Справкалар олиш учун шаҳарларда — аҳолини ишга жойлаштириш бюросига, район марказларида — меҳнат бўйича ваннларга, Тошкент шаҳрида эса — Привокзальная кўчаси, 30-уй, Тошкент область ижроия комитетининг меҳнат бўйича бўлимига учрашилсин.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ВСР. Биньчитхиен вилояти даги Донгхой шаҳрида янги электр станцияси ишга туширилди. У Совет Иттифоқи ҳамкорлигида барпо этилган. Суратда: станциянинг фойдаланишга топширилиши муносабати билан бўлган танта нали митинг.

ВИА—ТАСС фотоси.

● УЛАН-БАТОР

Халқ Монголиясида Совет Иттифоқининг ёрдами билан янги ирригация иншоотлари комплекси қурилиши бошлаб юборилди. Бу комплекснинг ишга туширилиши қўшимча 12 миллион гектар яйловни суғориш имконини беради. Ҳозирги вақтда Монголиядаги барча яйловларнинг қарийб ярми йилнинг ҳамма фаслида сув билан таъминланмоқда.

● БОННН

Ғарбий Германиянинг Билефельд (Шимолий Рейн-Вестфалия ўлкаси) яқинида НАТОнинг ГФР территориясида Американинг ўртача олисликка учадиган янги ракета-ядро қуролини жойлаштириш тўғрисидаги планларига қарши норозилик юриши бўлиб ўтди. Юриш қатнашчилари Штайнхаген деган жойда митинг ўтказдилар. НАТО ҳарбийлари Штайнхаген яқинида Америка ракеталари учун старт майдони қуришни мўлжалламоқдалар.

● ЛУСАКА

Жанубий Африка қўшинларининг Замбиянинг Ғарбий вилоятига мунтазам ҳужум қилаётгани ҳамда Претория самолётлари мамлакат осмон чегарасини мунтазам бузаётганлигидан мақсад кескин аҳволни вужудга келтиришдир, деди Бош министр Н. Мундна.

ФРАНС ПРЕСС АГЕНТЛИГИНИНГ ХАБАРИ

ПАРИЖ, 16 апрель. (ТАСС). Франс Пресс Агентлигининг хабар беришича, Франция Президенти В. Жискар д'Эстэн Аяччо шаҳри (Корсико ороли) аэропортига келган пайтда у ерда бир неча портлаш содир бўлди. Портлашлар натижасида тўққиз киши ярадор бўлди, жумладан, икки киши оғир жароҳатланди. Портлатувчи қурилмалар аэропорт биносига қўйилган экан.

Ирқчилар аҳолига озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беришни қийинлаштириш мақсадида ҳамма жойга қўплаб миналар қўйдилар. Бироқ ҳукумат, деб таъкидлади у, ана шу район аҳолисини энг зарур моллар билан таъминлаш учун барча ишларни қилади.

● БУЭНОС-АЙРЕС

Сантьягога расмий визит билан келган Хитой ташқи ишлар министри ўринбосари Чжан Вэньцзинь Чили фашист хунтасининг бошлиғи Пиночет билан учрашди. Музокаралар пекинлик меҳмоннинг сўзларига қараганда, «дўстона ва сидқидиллик вазиятида» ўтган.

Пекин эмиссарини унинг чилилик ҳамкасби полковник Фернандо Арансибиа ҳам қабул қилган. Улар ХХР билан Чили режими ўртасида савдо-сотиқ, илмий ва маданий алоқаларни янада кенгайтириш масалаларини муҳокама қилишган.

(ТАСС, 16 апрель).

Редактор Н. НАСИМОВ.

Телевидение

БУТУНИТТИФОҚ КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК МТ-«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — «Ота-оналар, Сизлар учун». 10.10 — «У ерда, уфқ ортида». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 12.20 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 12.50 — Хоккей бўйича жаҳон ва Европа чемпионати. 13.25— Қуёш хазинаси. 14.25—«Спортлото». 14.35 — Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати. 15.05 — Дунё воқеалари. 15.20 — Шанбалик кундалиги. 15.35 — Ҳайвонот оламида. 16.35— Халқаро мавзуларда суҳбат. 17.20 — Концерт. 19.30 —Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. 20.20 — Экранда — кинокомедия. 21.30 — Время. 22.15 — Хоккей бўйича жаҳон ва Европа чемпионати. 00.15 — Янгиликлар.

ЎзТВ-I

9.55 — Кўрсатувлар программаси. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — «Дўстлик тароналарн». 10.40 — Ҳужжатли фильмлар. 11.35 — Бугун Ленинча коммунистик шанбалик куни. 11.55 — Киноредакция почтасидан. 12.40 — Концерт. 13.30 —Шахмат мактаби. 14.00—«Мультипанорама. 14.35 — «Ёшлик». 15.35 — Шанбалик кундалиги. 18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Концерт. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Телевизион миниатюралар театри. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.15 — «Олий мақсад сарн». Бадиий фильм. 1-серия. 23.25 — Мамлакат кучли теннисчиларининг турнири. 23.55 — Кўрсатувлар программаси.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18|IV да Шошма, қуёш. 19|IV да Қиёмат қарз, 20|IV да Ун учинчи раис.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 18|IV да Шодлик ва ларнна кечаси, 19|IV да Гулсара, 20|IV да Ишонмасанг ўзлаан.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 18|IV да Мукофот, 19|IV да Отасининг қизи, 20|IV да Баланд дорга осилма.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосари—335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат — 325757; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик— 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир—325894.

Р. 01940. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64683. В. 1586.